

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚАЙКАЛТАРОШЛИК (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”
ЙЎНАЛИШИ**

**“ҚАЙКАЛТАРОШЛИК ФАНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: К.Беҳзод номидаги МРДИ “Ҳайкалтарошлик” кафедраси
доценти
Курызов Улуғбек Тураевич

Такризчилар: **Жанубий Корея Республикаси Конгук университети**
профессори, PhD Kim In Og
К.Беҳзод номидаги МРДИ “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедраси доценти, с.ф.н. И.Абдурахмонов

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Кенгашининг 201__ йил _____даги ___-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I	ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	14
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	40
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	52
VI.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	56
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	57
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60

ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)” йўналишларида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган тингловчилар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- ҳайкалтарошликнинг турлари, қонунлари, усуллари, воситаларини; ҳайкалтарошлик йўналишида яратилган илмий адабиётларни; ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини;
- ҳайкалтарошлик йўналишида муаллифлик ҳуқуқини;

- ҳайкалтарошлик турларининг бир – биридан фарқи ва аҳамиятини; композицияда янги технологик жараёнларини;
- анъанавий ва замонавий ҳайкалтарошлик ашёларини;
- ҳайкалтарошлик санъати ашёлари ва янги технологияларини;
- ҳайкалтарошлик санъати соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- анъанавий ва замонавий ҳайкалтарошлик ашёлари фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик йўналишидаги фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибани амалиётга тадбиқ этиш;
- замонавий техник воситаларни ҳайкалтарошлик йўналишида қўллаш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга тадбиқ эта олиш
- жаҳон тасвирий санъат усталарининг меросини ўрганиш;
- уларнинг ютуқларини ижодий ўзлаштириш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мумтоз ва замонавий усулларда ҳайкалтарошлик композициясини ишлаш; анъанавий ва замонавий ҳайкалтарошлик ашёларидан унумли фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- ҳайкалтарошликнинг барча турлари бўйича замонавий технологиялардан фойдаланиб композиция яратиш;
- мутахассислик фанлари тарихи ва замонавий концепцияларини билиши;
- ҳайкалтарошлик санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновациялар;
- ҳайкалтарошлик санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ҳайкалтарошлик санъатида замонавий усуллар орқали композициялар яратиш;
- ҳайкалтарошлик соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш;
- анималистик ҳайкал яратишда замонавий ашёларни қўллаш;
- бадий асар ва халқ дostonларига композиция яратиш;
- ҳайкалтарошлик санъатида новаторлик қилиш;
- таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш, назорат қилиш ва бошқариш;

- ҳайкалтарошлик фанлари инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминотини яратиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ҳайкалтарошлик фанининг ривожланиш тенденциялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ҳайкалтарошлик фанининг ривожланиш тенденциялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси”, “Тасвирий ва амалий санъат фанларида замонавий компьютер графикаси ва мултимедиа технологиялари”, “Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили”, “Санъат асарларини бадиий ҳис қилиш психологияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳайкалтарошлик санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, ҳайкалтарошликда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, ҳайкалтарошликнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			
			Жами	жумладан		
	Назарий	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1.	Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда ландшафт	2	2	2		
2.	Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш	2	2	2		
3.	Пластик материаллар билан ишлаш маҳорати. Пластик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш	2	2			2
4.	Ҳайкалтарошлик фанининг замонавий назарий асослари	2	2			2
5	Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси. Шакл яратиш қонуниятлари. Ҳажмли шакл тасвири тамойиллари ва услублари.	4	4		4	
	Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш. Юқори эстетик дид талабларини шакллантириш. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналари.	4	4		4	
Жами: 16		16	16	4	8	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда ландшафт.

Ҳайкалтарошликда композицион мавзуларнинг шаклланиш босқичлари. Ҳайкалтарошликда уйғунлик тушунчаси. Ҳайкалтарошлик композиция мақсадларни белгилаш. Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг аҳамияти. Ҳайкалтарошликни амалда ишлатилиш услублари. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошликнинг аҳамияти. Ҳайкалтарошликда ландшафtdан фойдаланиш.

2-мавзу: Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш.

Контрельеф, барельеф ва горельеф ҳақида умумий тушунча. Ҳайкалтарошлик асарларини яратишда тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материалларнинг хусусиятлари. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган ашёларнинг бадиий образ яратишдаги аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси. Шакл яратиш қонуниятлари. Ҳажмли шакл тасвири тамойиллари ва услублари.

Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси. Ҳайкалтарошлик санъатда бадиий асарни ғоявий таҳлил қилиш. Ҳайкалтарошлик композициясида фикр ва ғоя ечими.

Шакл ва қиёфаларда реалистик ҳайкал яратиш. Ҳайкалтарошликда образ ва ҳажмдорлик ечими. Бадиий асарда ғоя ва фикр ечими. Махсус хона, ҳайкалтарошлик ашёлари, станок, ҳар хил шакллар керак бўлади.

2-амалий машғулот: Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш. Юқори эстетик дид талабларини шакллантириш. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналари.

Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш учун ҳайкалтарошликнинг бадиий воситаларини қўллаш. Яратилажак ҳайкалтарошлик асари орқали юқори эстетик дид талабларини шакллантириш. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналарини амалда кўрсатиб, гапириб бериш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Кўчма машғулот

Ҳайкалтарошлик устахоналарига бориб, пластик материаллар билан ишлаш маҳорати, пластик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш жарёнлари билан танишилади. Ҳайкалтарошлик фанининг замонавий назарий асослари ҳайкалтарош яратган асарлар орқали тавсифланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ


Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Масалан 1-маъруза дарсида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-таҳлил” методи асосида, кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) таҳлил қилинади.

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёйиш этилади;

➤ тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Намуна сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан Инсерт методи асосида таҳлил қилиб чиқилади (ўқитувчи назорати остида).

Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
---------------	--------------------------

1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик назариясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;


➤ “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга кўйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			


“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:



Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган бирор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портрети таҳлил қилинади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар тақдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий

Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР:

1-мавзу: Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда ландшафт.

РЕЖА:

- 1.1. Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик.
- 1.2. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги.
- 1.3. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда ландшафт.

Таянч иборалар: *композиция, уйғунлик, меъморчилик, шаҳарсозлик, замонавий ҳайкалтарошлик, ландшафт, мутаносиблик, тушунча, ёруғлик кучи.*

1.1. Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик.

Ҳайкалтарошлик композицион мавзуларнинг келиб чиқиши шакллани бу авалом бор халқ маънавияти маърифатини тарғиб қилиш асосида ривожланади. Ҳар бир халқнинг санъати ушбу халқ ҳақида маълумот беришга хизмат қиларкан ҳар бир ҳайкалтарош ўз милати тарихи манавияти чуқур билиши талаб қилинади. Ҳайкалтарошлик бу бир карашда хунар бўлиб кўриниши мумкин. Қачонки ҳайкалтарош бирон мавзу юзасидан ўз фикрини ҳайкалтарошлик асари билан етказиб бера олмас экан, бу ҳайкалтарош махоратли хунармад ҳайкалтарош бўлиб қолаверади Ҳайкалтарошликнинг санъат даражасида яратилаётган ҳайкалнинг асар даражасига етказиш учун ҳайкалтарошдан мукамал ечимга эга бўлган композиция талаб қилинади шундагина ҳайкалтарошлик асари санъат даражасига етади. Яратилган ҳайкалтарошлик асари ўша халқ манавияти билан суғорилган бўлса, бу асар йиллар мобайнида дунё бўйлаб ўз кадр қимматига эга бўлади. Ҳайкалтарошлик санъати пайдо бўлиши ҳақида тўхталиб ўтдик, эндиликда ҳайкалтарошлик асарлари маънавий озуқа эстетик дид ва безаклар сифатида қўланилиб келмоқда

Ҳайкалтарошликда уйғунлик тушунчаси ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, ҳайкалтарошликда яратилган асар композицион ечимга эга бўлиши

керак бўлади. Бу мавзунинг ёритилишида ишлатиладиган мавзуга доир майда деталларнинг асосий шаклга уйғун ҳамоханглигида кузатишимиз мумкин. Ушбу қўйилган ишлатилган детал олиб ташланиши натижасида ҳайкалда камчилик сезилиши маъноси ўзгариб кетиш мумкин бўлиши аксинча ўша детал билан мавзуни янада ёрқинроқ очиб бериши ҳайкалтарошлик асарини уйғун бир ҳолатини айтишимиз мумкин. Уйғунлик тушунчаси кенг маънода бўлиб, ҳайкалтарошлик асари ўрнатилган жой майдон ва бинога ҳам уйғун ҳолатда ўрнатилишига ҳам айтилиши мумкин. Бу бино майдонга нисбатан катта ёки аксинча кичик бўлиб кетиши ҳам мумкин эмас.

Ҳайкалтарошликда композициянинг мақсади бўлғуси ижодкор мутахассисларга тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналарини, яъни ҳайкалтарошлик асарлари композициясининг асосий турлари (бюст, бир фигура композицияси, кўп фигурали композиция), декоратив, маҳобатли, дастгоҳли ҳайкалтарошликда бадиий образ композицияси ечими, ҳайкалтарошлик рельефи композициясида бадиий образ ечими, синтетик санъат архитектура, “масштаблик ва умуммасштаблик” тушунчаси, композициянинг назарий асоси, унинг бадиий образ яратиш жараёнидаги аҳамияти; композициянинг асосий турлари, ундан ҳайкалтарошлик асарлари яратишда фойдаланиш; ҳайкалтарошлик асарларида пластик таъсирчанлик қонуни; композициянинг бир бутунлиги; контрастлар қонуни; композиция мувозанати; ритмлаштириш; гармонизация; “олтин кесишув”; ҳаммасштабликни билиш; тектоник композиция; нур қўланкаси тузилиши бўйича рельефлар яратиш; ҳайкалтарошлик рельефларида стероскопик ҳис қилишни ўргатиш, сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон тасвирий санъатининг янги – янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган бадиий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва унинг бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларини шакллантиришдан ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, композицияни мукамал ўргатиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

а) Ҳайкалтарошни ижодий образ тафаккурини шакллантириш, ҳаётий воқеликни кўра билиш ва умумлаштириш, уларнинг сабаби ва ички моҳиятини англашга ўргатиш;

б) бадиий асар ижодий услубияти ва асосий услубларини ўргатиш: бадиий асар ғоясининг аҳамияти, мавзу ва сюжетини тушуниш, композиция қонунияти, меъморчилик ва маҳобатли ҳайкални ўрнатиладиган муҳитга боғлаш қонунияти, ўрнатиладиган ландшафтга боғлаш қонунияти, интерьер ва экстерьерда ишлаш қонунияти.

в) ижодий композиция орқали яратилаётган образни хажм ва фазовий кенгликда фикрлаш ва кўришни ривожлантириш ҳамда шакллантириш.

1.2. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги

Меъморлик санъати билан боқлиқ бўлган ҳайкалтарошлик асарларини махобатли ҳайкалтарошликка киритилади. Истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўча ва парклар, шунингдек, меъморчилик биноларининг деворларини безаш учун ишлатиладиган ҳайкалларнинг ҳамма турлари декоратив ҳайкалтарошлик санъатига мансуб. Биноларнинг деворларига ишланадиган турли бўртма тасвирлар, амалий санъат буюмларининг юзасига ишланган тасвирлар, турли фонтанлар, панжаралар, бадий дарвозалар ҳам шу ҳайкалтарошликнинг кўриниши ҳисобланади.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик асосан музейларда намоиш этилиши мумкин, уни бошқа асарлар ва интерьердан ҳоли тарзда кўриш мумкин. Шунингдек, дастгоҳли ҳайкалларни бир залдан иккинчи залга кўчириш ёки бошқа шаҳарларга олиб кетиш мумкин. Махобатли ва махобатли-декоратив ҳайкаллар эса маълум жой билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Махобатли ҳайкаллар жуда оғир бўлиб, уларни жойдан жойга кўчириш ниҳоятда қийин ва кўп ҳолларда ноўриндир. Чунки махобатли ҳайкаллар албатта очиқ осмон остида – майдон ва кўчаларга ўрнатилади ва унинг атроф муҳит билан уйғунлаштиришни олдиндан меъмор ва ҳайкалтарошлар инobatга олади. Махобатли-декоратив ҳайкалларнинг вазни енгилроқ бўлади, лекин, атроф муҳит, яъни ўзи турган кўкаламзорлаштирилган хиёбон, бино композицияси билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ҳайкални меъморчилик ва табиат фонига киритиш, уни янада ифодавийроқ қилиб кўрсатади. Майдонга ўрнатилган махобатли ҳайкал мазмунли композицион майдонга айланади: тепага томон чўзилган вертикаль ва монумент хажмларининг кетма-кет алмашилиши ўзининг атрофида ритмик ташкиллаштирилган муҳит яратади, бу эса ўз навбатида майдон, бинолар ва кўчаларнинг ритм билан контраст ёки уйғунлашиб, умумий композицияга яқунланганлик бағишлайди. Махобатли ҳайкал дастгоҳлигига нисбатан томошабинга жуда сезиларли таъсир қилади. Чунки махобатли ҳайкал жойлаштирилган муҳит, табиатнинг турланиши уни янада жозибалироқ қилиб кўрсатади.

Бугунги шаҳар ансамблларини тантанавор махобатли ҳайкалларсиз тасавур қилиб бўлмайди. Лекин, махобатли-декоратив ҳайкаллар ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки улан ансамблни янада кўркем ва дилни яйратадиган қилиб кўрсатади. Махобатли ёдгорликлар режага мослаштирилиб, махсус лойиҳа асосида ўрнатилади. Битта махобатли ҳайкал майдонни ташкил этади, иккитаси эса дарҳол баҳс мунозарани юзага келтиради. Декоратив ҳайкаллар эса бир-бирига халақит бермайди, аксинча, аналогик асарлар билан ҳамоҳанг кўринади.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро боғлиқлиги санъат тарихининг жуда қизиқарли муаммоларини ташкил этади. Чуқур ғоявий – бадий ва композицион боғлиқликларга асосланган, бу нарса доимо самарали бўлган ва нафақат тасвирий санъат ва меъморчилик синтезининг юксак намуналарини туғдирган, балки, кўп ҳолларда ҳар бир санъат турида янги бадий ютуқларга эришишга имкон берган.

Алоҳидаги тарихий даврларда меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро боғлиқлик муаммоси, меъморчиликнинг ижодий концепциясини янгилаш жараёни билан мослашиб, ўзига хос ўткирликни хосил қилади.

Маҳобатли-декоратив ҳайкалтарошлик ўзининг фазовий-пластик сифатларига кўра шаҳарнинг бетакрор қиёфасини шаклланишига кўмаклашади ва инсонга бадиий таъсир қилишнинг актив воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳайкалтарошлик нафақат шаҳар муҳитини бойитади, балки унинг шаклланишига меъморий тил билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, актив қатнашади.

Ўзига хос тарзда меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг композицион ўзаро боғлиқлик шакллари жуда хилма-хилдир. Ҳайкалтарошлик айнан меъморчилик шакли билан бевосита ўзаро боғланиши мумкин, яъни унинг ҳажми, пластикаси, вазни (масалан думалоқ ҳайкал ва бўртма, уларнинг бино композициясига ёки ҳайкалтарошлик қатнашган монументлардаги муносабати) билан. Ҳайкалтарошликнинг меъморчилик билан ўзаро муносабати ифодаланиши мумкин, яъни пластик композицияларнинг атроф муҳитдаги меъморчилик ва табиий муҳит билан ўзаро боғлиқ ҳолда ансамблларнинг лойихавий тузилиши билан (шаҳарнинг, майдоннинг, кўчанинг, табиий ландшафтнинг), уларнинг маълум фазовий ва пластик ўзига хосликлари билан.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг санъатдаги ўзаро боғлиқлиги муаммоларининг долзарблиги ва ўзига хос ўткирлиги шундаки, у нафақат санъат синтезининг конкрет пластик ифодавийлигига дахлдор, балки, замонавий меъморчилик шаклининг пайдо бўлишидаги асосий томонларга ҳам тааллуқлидир. Меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро боғлиқлик аспектлари бу борада кенг амалий аҳамиятга эга, иккала санъатнинг композицион ягоналигининг ўзи эса инсоннинг атрофини ўраб турадиган меъморий-бадиий муҳитнинг ифодавийлиги ва образли кучининг муҳим критерийси ҳисобланади. Муҳимлигига кўра меъморчилик ва ҳайкалтарошлик синтезининг муаммоси замонавий меъморчиликда “инсон ва муҳит” каби муҳим муаммоларининг бирини ечиш учун ёндошишга имкон беради.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошликнинг ўзаро боғлиқлиги фазовий ва пластик бўлиши мумкин, қоидага кўра улар ажралмас бирликда олдинга чиқади, лекин, баъзи ҳолларда пластик боғлиқликнинг устуворлиги ҳақида гапириш мумкин (масалан, бино композициясида ҳайкалтарошликни барча турларининг қатнашиши), бошқаларида ёрқин ифодаланган гармонияни, пластик ва фазовий аспектларининг тенг бадиий қимматлигини кўрамиз (масалан, монумент). Шунга мос тарзда мазкур қўлланмадаги материал куйидагича тақсимланган: бино композициясида ҳайкалтарошликни анализ қилиш; монументларнинг композицияси.

Меъморчиликнинг ҳайкалтарошлик соҳасидаги ўрни катта. Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий

асарлар: статуялар, бюст, мавзули композициялар ва бошқаларни; архитектура иншоотлари, майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари ҳайкалларини; боғлар ва ҳиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган ҳайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик ҳажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги ҳайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва ҳоказоларни нишонлашга бағишланган ҳайкалтарошлик асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; ҳиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини ҳал қилишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор.

Меъморий композиция назарияси мазмуни меъморий асарнинг ягоналигини ва турли тип ҳамда мақсадли иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Композиция назариясида ўрганилаётган қонуниятлар категориялар ёки композиция унсурлари деб аталади. Бу категорияларга: ҳажмий фазовий тизим, тектоника, гармония, ритм, мутаносиблик, контраст, нюанс кабилар тегишли.

Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг ўрни муҳим бўлиб ҳайкалтарошлик асарлари авваламбор масштаб бинога нисбатан мос ва бинони қандай иншоот эканлиги ҳақида аҳолига бирламчи маълумотни етказиши керак бўлади. Шу ўринда меморчилик ва ҳайкалтарошликда қўлланиладиган чизма масштаб ҳақида тўхталадиган бўлсак. Чизма масштаби деб, тасвирланадиган объект натурадаги ўлчамларининг чизмада мос келадиган линейкали ўлчамлари нисбатига айтилади. Лойихани бажариш учун масштаб, тасвирланаётган меъморий объектнинг ўлчамларидан келиб чиқиб белгиланади. Масштабларнинг чизмалардаги тасвири қуйидаги тартибда ёзилади: кичрайиши учун – 1:2, 1:10, 1:50, 1:100, 1:200, 1:400, 1:500, 1:1000 ва ҳоказо. Катта шаҳарларнинг генпланлари 1:1000, 1:2000 масштабларда бажарилади.

Масштабни танлаш чизманинг мазмунига ва тасвирланаётган объектнинг ўлчамларига боғлиқ. Катта бўлмаган биноларнинг планлари фасадлари кесмалари 1:50, 1:100 масштабда бажарилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвиридир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар, бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта ҳудудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадиий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиқ беришдир.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий асарлар: статуялар, бюст, мавзули композициялар ва бошқаларни; архитектура иншоотлари, майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари ҳайкалларини; боғлар ва хиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган ҳайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик хажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги ҳайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва ҳоказоларни нишонлашга бағишланган ҳайкалтарошлик асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; хиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини ҳал қилишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор.

Меъморий композиция назарияси мазмуни меъморий асарнинг ягоналигини ва турли тип ҳамда мақсадли иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Композиция назариясида ўрганилаётган қонуниятлар категориялар ёки композиция унсурлари деб аталади. Бу категорияларга: хажмий фазовий тизим, тектоника, гармония, ритм, мутаносиблик, контраст, нюанс кабилар тегишли.

Болалар майдончасига анималистик жанрда композиция яратиш учун жой танланади. Бунинг учун шаҳардаги парк ва хиёбонлар, микрорайонлардаги болалар майдончалари, болалар боғчалари майдончалари кўриб чиқилади.

Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари олинади ва хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади

Масштаб 1:100. Хомаки чизмалар анималистик ҳайкаллар композициясини атроф муҳит билан боғлаган ҳолда чизилади. Хомаки чизмалар тасдиқлангандан кейин аниқ ўлчамлар асосида яъни масштабда генплан схемаси чизилиди. Схемага асосан макет устида иш олиб борилади.

Макетнинг қулай томони шундаки, композиция қўйилган майдоннинг атроф муҳит, йўлаклар, меъморий воситалар билан боғлиқлиги аниқ ўлчамлар асосида кўрилади. Макетда композициянинг хажми ва жойи аниқ бўлиши шарт. Меъморчиликда, умуман санъатнинг ҳар қандай соҳасида ҳам чизма тасвирлардан ташқари макет ясаб, бажарилган ишни татбиқ эта олиш катта маҳорат талаб қилади. Макет орқали бино ёки майдон тасвирини бериш энг қулай усул. Лекин макет яшаш иши тингловчидан катта маҳорат талаб қилади. Негаки макет яшашда бинонинг ҳар бир детали, девори, қопламалари ва бошқа деталлари алоҳида-алоҳида ясаиб елимланади. Макет яшашда хомашёни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки маҳорат билан ясалган макет ҳам хомашёси чидамсиз юпқа бўлса бундай

макет номустаҳкам ва нохуш кўринишга эга бўлади. Макет атрофига антураж, ландшафт элементлари ишланади.

Перспектива бир томондан қараганда ҳажмли тасаввурни яратади, макет эса, лойихалаштирилаётган объектнинг фазовийлигини ва ҳажмийлигини ҳамма нуқтадан кўришга, уни ҳаракатда қабул қилишга ёрдам беради.

Ўқув лойихаларида макет учун энг яхши ашё – қалин оқ қоғоз, фомокс ва рангли картон қоғозлар. Макетнинг асосий вазифаси – лойихалаштирилаётган иншоотнинг тизимлилик ва мутаносиблик хоссаларини очиб бериш, ёрқин ифодаланган рельефи, сув сатхлари ўраб турган кўлам билан унинг композицион алоқасини кўрсатишдир.

Болалар майдончасига анималистик жанрда хайкал яратишдан олдин тингловчилар шаҳардаги боғ-ҳиёбон, ўзлари яшайдиган даҳалардаги болалар майдонларини кўриб чиқиб, сўнгра хайкал учун жой танлайдилар.

Танланган майдонга мослаб, анималистик хайкалларнинг хомаки эскизлари ишланади. Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари ҳам олинади, хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади.

Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг ўрни муҳим бўлиб ҳайкалтарошлик асарлари аваламбор масштаб бинога нисбатан мос ва бинони қандай иншоат эканлиги ҳақида аҳолига бирламчи маълумотни етказиши керак бўлади. Шу ўринда меморчилик ва ҳайкалтарошликда қўлланиладиган чизма масштаб ҳақида тўхталадиган бўлсак. Чизма масштаби деб, тасвирланадиган объект натурадаги ўлчамларининг чизмада мос келадиган линейкали ўлчамлари нисбатига айтилади. Лойихани бажариш учун масштаб, тасвирланаётган меъморий объектнинг ўлчамларидан келиб чиқиб белгиланади. Масштабларнинг чизмалардаги тасвири қуйидаги тартибда ёзилади: кичрайиши учун – 1:2, 1:10, 1:50, 1:100, 1:200, 1:400, 1:500, 1:1000 ва ҳоказо. Катта шаҳарларнинг генпланлари 1:1000, 1:2000 масштабларда бажарилади.

Масштабни танлаш чизманинг мазмунига ва тасвирланаётган объектнинг ўлчамларига боғлиқ. Катта бўлмаган биноларнинг планлари фасадлари кесмалари 1:50, 1:100 масштабда бажарилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвиридир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар, бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта ҳудудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадиий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиб беришдир.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий асарлар: статуялар, бюст, мавзули композициялар ва бошқаларни; архитектура иншоотлари, майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур

ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари ҳайкалларини; боғлар ва хиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган ҳайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик хажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги ҳайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва ҳоказоларни нишонлашга бағишланган ҳайкалтарошлик асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; хиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини хал қилишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор.

Меъморий композиция назарияси мазмуни меъморий асарнинг ягоналигини ва турли тип ҳамда мақсадли иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Композиция назариясида ўрганилаётган қонуниятлар категориялар ёки композиция унсурлари деб аталади. Бу категорияларга: хажмий фазовий тизим, тектоника, гармония, ритм, мутаносиблик, контраст, нюанс кабилар тегишли.

1.3. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликда ландшафт.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин, бошқа кўплаб соҳалар қатори шаҳарсозлик ҳам жадал суратлар билан ривожлана бошлади. Шаҳар, туман, қишлоқларда, таниб бўлмайдиган даражада янгидан чирой очди.

Албатта замонавий шаҳарсозликни маҳобатли ҳайкалларсиз таассавур этиб бўлмайди, замонавий интерьерни дастгоҳли ҳайкалсиз, боғларимизни, туман ва қишлоқларимизни декоратив ҳайкалсиз кўз олдимизга келтира олмаймиз.

Замонавий шаҳар муҳитини шаклланишида ҳайкалтарошликнинг роли жуда салмоқлидир, бевосита бино билан боғлиқ ҳолда. Бу меъморчилик ва пластиканинг ўзаро боғлиқлигидаги анъанавий кўринишдир.

Замонавий меъморчиликнинг шаклланишидаги “ҳайкалтарошлик” концепцияларда, ҳайкалтарошлик ва пластик санъатларнинг меъморчиликка катта таъсирини кўриш мумкин. Меъморчиликнинг пластик тенденциялари, меъморий композицияларда интерьерларни безашдан катта шаҳар ансамблларида ҳайкалтарошлик воситаларидан тўғридан тўғри фойдаланишга бўлган қизиқиш ошаётгани намоён бўлади.

Замонавий меъморчилик, ўзининг специфик ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда, шаклнинг пластик яхлитлигини аниқлай олмайди, бу асосан классик меъморчиликка бевосита хосдир. Бир вақтнинг ўзида турли конструктив тектоник системаларнинг меъморий хажмнинг пластикасида турлича тушунилиши шунга келтирадики, бунда ҳайкалтарошлик жуда турли

туман меъморий “фон” ёки меъморий мухитга эга бўлади, улар ўзаро боғлиқ бўлади.

Меъмор ва хайкалтарошларнинг биргаликдаги интенсив ишлаши, қатор кизиқарли йўналишларни вужудга келтирди. Бунга бинонинг хайкалтарошлик билан боғлиқ композицион принципларини мисол қилиш мумкин. Бу боғлиқликлар асосида авваламбор меъморчиликка хос бўлган умумий концепциянинг шаклланиши ётади.

Меъморчиликнинг функционал жиҳатдан асосланган хажм фазовий қурилиши, шунга олиб келадик, хайкалтарошликни қўллашдаги қаттиқ регламентлаштирилган услублар йўқолади. Замоनावий меъморий композиция табиатининг ўзи, иншоотнинг умумий ғоясига хайкалтарошликнинг бир неча хил турларини киритишни таъкидлайди.

Хайкалтарошлик, бино композициясида қатнаша туриб, бир вақтнинг ўзида умумий шахар ансамбли элементига айланади ва фазовий яхлитликни шаклланишида қатнашиб, муҳим пластикавий ролни бажаради. Шу тарзда меъморий мухитнинг фазовий ривожланишига интилиш, меъморий иншоотнинг композициясида, думалоқ хайкалтарошликни қўллашни турли ва кўп қиррали вариантларини очиб беради. Думалоқ хайкалтарошликда унинг меъморлик шакли билан пластик боғлиқлигига, кўп холларда фазовий муноабат хосдир. Рельеф, аксинча, ўзининг пластикавий сифатидаги қулайлиги билан илгари сурилади.

Меъморчилик ва хайкалтарошликка таъсир қиладиган барча факторлардан, замоनावий меъморчиликнинг тектоник хусусиятларини ажратиш муҳим. Замоनावий меъморчиликда, унинг локал кўринишида, тектоник системани ажратишнинг муҳим воситаси бўлишдан тўхтайдик. Асосий абабларни нафақат меъморчиликнинг индустриализациясида эмас, балки, книнг ўзида мавжуд бўлган тектоник қонуниятдан кидириш даркор. Кўп холларда тектоник системаларни аниқлашдаги хайкалтарошлик имкониятлари, хайкалтарошлик ва меъморчиликнинг пластик шакллари солиштирма анализ қилганда очилади. Иншоот композициясига хайкалтарошликни киритишнинг классик принципи бу уни меъморчилик деталлари билан уйғунлаштиришдир. Айнан меъморий деталлар ёрдамида хайкалтарошлик, катта меъморий шакллар билан ўзаро боғланади, у билан пластик масштаб, ритмик ва фактура томонидан уйғунлашади.

Замоनावий меъморчиликда шаклнинг фазовий характериға катта эътибор кузатилади. Бунга турар жой комплексларининг композицияси, ансамбль ёки комплекс кўринишидаги шахарсозлик қисмларининг лойihalаштирилиши, қурилиши ва хоказолар киради. Бу принципнинг бевосита натижаси, барча меъморий композиция элементларининг йириклашишидир. Шундай қилиб, устунроқ тураётган йирик шакллар эстетикаси, олдинлари мавжуд бўлган тасаввурлар билан ҳамоҳанг бўлмай қолди, шу билан бирга меъморчилик ва хайкалтарошлик уйғунлиги қонуниятлари билан ҳам.

Бундай ҳолатнинг натижасида хайкалтарошликнинг меъморчиликнинг катта шакли билан тўғридан тўғри боғлиқликлари принципи тузилади

меъморий деталларни инобатга олмаган холда. Бу дегани меъморий деталлар ўзининг пластик ролида умуман композициядан йўқолади. Лекин, уларнинг пластикаси хайкалтарошлик шакллари ва меъморчилик орасидаги муҳим воситачилигини йўқотади. Бундай холларда хайкалтарошлик декори умумий композициядан кетмайди. Унинг ўзи яққа холда иншоотнинг тектоник табиатини очиб бериш учун қўлланилади. Замонавий меъморчиликка хос чегара ва қонуниятларга асосланган холда. Унга Навоий шаҳридаги “Фарход” хайкалини мисол келтиришимиз мумкин.

Графика меъморий лойихалашнинг асосий хусусий ифодаси ҳисобланиб, унинг барча босқичлари - бирламчи ғоявий изланишларидан то лойихани амалда бажаришгача бўлган жараённи ўз ичига олади. Лойихалаштиришнинг дастлабки босқичида чизманинг асосий мақсади, муаллиф ўйлаган бўлажак объект ҳақидаги тасаввурни (меъморий объектнинг тасвири ва ички қиёфаси, шу жумладан: умумий композиция, ашё, ранг, ўраб турган меъморий ва табиат муҳити ва ҳ.к) умумий кўринишда тасвирлаш.

Лойихалаштирилаётган макетларнинг таркибий қисмлари - рельеф, лойиха, биноларнинг хажми, хажмли кўкатлар, деталларнинг жиҳозланиши. Хайкалтарош макет лойихасини тайёрлашда асарни фазовий хажмда ўрнатилаётган муҳитда, ландшафтда, интерьер ёки экстерьерда бадиий асар таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилиши лозим. Лойихалаштириш макетлари текис ёки бўртма рельефга тайёрланиши мумкин. Макет асосидаги рельеф учун горизонт бўйича тасвири чизмаларда кўрсатилади. Агар макетда сув сатхилари кўрсатиладиган бўлса, улар биринчи навбатда тайёрланади. Кўп холларда макет асоси учун оргалит ишлатилади ва унинг нитроэмаль бўлаги тагидан фольга ёки қоғоз қўйилади. Шундан сўнг чизмани макет ости билан бирлаштирилади ва қирғоқ чегараси белгиланади: биринчи горизонтал чизиқни тиклаш учун рельеф картон, фомокс ва бошқа материаллардан тайёрланиши мумкин. Картонда чизмани столяр елими билан елимлаш мумкин. Хажмли кўкатни ўрнатиш учун пенопласт, поролон, губка, мочалка, турли қурилган ўсимликлар ва бошқалар қўлланилади. Дарахтларни М 1:100, М 1:50 масштабда бажариш учун 0,2-0,4 мм қалинликдаги, 2-3 см узунликдаги симдан фойдаланиш мумкин, 5-10-15 дона симларни бирга жипслаштириб, шу масштабда бир хил баландликдаги текис бўлакларга бўлинади. Буралган симнинг учларини ечиш мумкин, шунда дарахт шохлари ҳам пайдо бўлади. М 1:100, М 1:200 масштабдаги макетлар учун хажмдор кўкатларни қурилган гул ўтлардан қилиш мумкин.

Боғ ландшафтларининг элементларини шакллантириш ва лойихалашнинг дастлабки материаллари геодезик 1:200 масштабдаги план бўлиб, унда майдоннинг чегараси қизилда кўрсатилиши керак.

Қадимги боғларда композицион муҳитни яратиш учун хайкалтарошлик асарлари қўлланилган. Хайкални бошқа боғ элементлари билан уйғунлаштирадиган тарихий сюжетлар замонавий боғларда янгича аксини топган. Масалан, хайкал боғдаги манзара композицияси элементлари билан

уйғунлашиб, тош, дарахт танаси билан бир бутунликда бадий асар таъсирчанлигини оширади.

Ландшафт хайкалтарошлиги ва “геопластика” терминлари баъзида табиий атроф муҳит билан хайкалтарошлик элементлари уйғунлашган композицияга; баъзида эса, аниқ ифодаланган пластика рельеф асосли ландшафтнинг “ер хайкалтарошлигига” нисбатан айтилади. Ландшафт хайкалтарошлик композициялари кўп холларда кўкаламзорлаштириш худудларига киритилади.

Ландшафт-бу ўзига хос ташқи қиёфа билан характерланувчи ва табиий майдонлар билан чегараланган табиий худудий комплексдир. “Ландшафт” ва “манзара” сўзини адаштирмаслик керак. Лекин бу сўзлар немис ва француз тилларга таржима қилинганда “Худуд кўриниши” дегани. “Ландшафт”-географик термин бўлиб табиий қиёфанинг турли туманлигини, ўзига хослигини белгилайди.

Ўзининг нимага мўлжалланганлиги бўйича хайкалтарошлик маҳобатли, маҳобатли декоратив ва дастгоҳлига бўлинади, бу бўлимларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Маҳобатли хайкалтарошликка бир фигурали ва кўп фигурали хайкал, мемориал ансамбллар, етук арбобларга қилинган монументлар киради. Уларни жамоа жойларида, кўп холларда очик ҳавода жойлаштирилади. Улар доимо мазмун ва шакл жиҳатидан умумлаштирилган бўлади, катта хажми билан ажралиб туради (кўп холларда ўзининг натурал хажмида 2-3 барабар катта бўлади), шунингдек бу хайкаллар чидамли материалдан ишланади.

Хайкал нафақат ифодавий тимсоли билан, балки пропорционал, атроф –муҳит билан ҳамоҳанглиги, яхлит санъат асарини акс эттириши билан ажралиб туриши керак. Бу нафақат оддий чиройнинг вертикал, хажм ёки хажмларнинг ритмик кетма-кетлиги, балки инсоннинг ифодавий образи ҳамдир, у атроф-муҳитдаги бўшлиқни тўлдириб яхлит меъморчилик билан уйғунлашган ансамблни ташкил этади.

Отлиқ хайкал ёки тик турган одам хайкали деярли доимо кенг фазовий майдонни талаб қилади. Кўп холларда бундай хайкални майдон марказида ёки кўчаларнинг кесишган жойларига қўйилади. Хайкал узоқдан кўришиб туриши учун Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Мухаммад Бобур хайкаллари идеаллаштирилган, образлари улуғлаштирилган. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида бугунги кунда ўзбек халқининг тарихий мероси сифатида меъморчилик билан уйғунликка эришишга бўлган интилиш, пластикада конструктив архитектониканинг қўлланиши хайкалтарошларнинг ижодига хосдир.

Тектоника - (юнонча тектоникос) - қурилишга тегишли меъморчиликда энг мураккаб шаклни ифодаловчи ва ташкил этувчи воситалардан бири.

Монумент шаҳар манзарасининг ўзига хос яхши жойини эгаллаши ва бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ манзара билан специфик боғлиқлик ўрнатиши керак.

Монумент шаҳарсозлик ансамбли ечими билан тўғридан тўғри боғлиқ холда ривожланади. Мемориал ансамбллар баъзи холларда марказнинг тарихий структурасини, бошқа холларда шаклланиб бўлган тарихий ва замонавий меъморчилик системасини тўлдирди, учинчидан эса янги шаҳар туманлар марказини шакллантиради, ниҳоят тўртинчидан боғ магистрал сув қирғоқларини шакллантириб, кесишган туманлар марказларини шаҳарнинг марказий ядроси билан боғлаб туради.

Мамаев кургандаги ансамбл хайкал проспектининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 70 км га чўзилган шаҳарнинг стерженидир. Шу тариқа ушбу гигант хайкални ва унинг меъморий марказини шаҳар тимсоли сифатида кўриш лозим ҳамда шу позициядан унинг бадиий ғурурини ва кўркини анализ қилиш керак. Аёлнинг гигант фигураси ва тепага кўтарилган қиличи Волга дарёси қирғоғи ва дарё бўйлаб чўзилган шаҳар устида гўёки ястаниб турибди ва ғалаба тантанасининг тимсолидек қабул қилинади. У шаҳарнинг баланд нуқтасига ўрнатилган бўлиб (102м) аёлнинг баландлиги қиличсиз 52м. Ёки “Кўхна Бухоро” рельефли - маҳобатли композиция. гектар майдонни эгаллаб турган бу асарда Бухоро шаҳрининг неча минг йиллик тарихи рельеф кўринишида ишланган.

Лекин ҳар қандай хайкал очиқ ҳаво майдони фонида яхши кўринавермайди. Агар хайкалтарошлик композициясини ўтирган фигура кўринишида ишланса уни боғ марказида, ховли интерьериди ёки меъморий иншоот фонида кўриш мумкин. Масалан, ”Бахтли она”, “Қасамёд” хайкаллари. Бундай хайкални шовқин суронсиз, тинч, атроф-муҳити - тўхтаб хайкални томоша қилишга имкон берадиган, хайкални ёнида шошмасдан ўтириб томоша қиладиган (яқиндан) ерга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари ўтирган фигуранинг орқа томонини кўриш ифодавий эмаслиги сабабли кўриш радиуси 180` қисқаради. Фигура иморат деворига ёки парк кўкаламзорларига бириккан бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўтирган холатдаги фигурадан муваффақиятли ечимга эга бўлганини шаҳар марказидаги Хамид Олимжон хайкалида кўришимиз мумкин. Хайкалнинг композицион ечимиди ёзувчи образи учиб кетаётган қушлар тимсолида ёритилган. Хайкал майдондаги иморатлар ва фаввора билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гоҳ куз баргларининг бўёклари, гоҳ яшил фон билан гармонияланади. Майдон мажмуаси, ҳар қандай меъморчилик ва санъат асари каби маълум эстетик маълумотга эга.

Бинонинг ички меъморчилиги унинг нимага мўлжалланган бинолигига, масштаби, материали, конструкцияси ва бошқа шароитларига боғлиқ. Шунингдек, интерерга ўрнатиладиган асарнинг бадиий томони ҳам жуда катта аҳамиятга эга. У ёки бу бадиий сифатларига эга интерьер қурилиши асосида ички хоналарнинг фазовий жойлашуви ётади.

Композиция мукамал бўлиши ва тингловчини архитектура, атроф муҳит, масштаблар билан ишлашни ўрганиши учун, ишланадиган композиция учун албатта аниқ бир жой яни объект танлаши керак. Обектни ўрганиб чиқилади, ўлчамлар олинади, атроф муҳити кўздан кечирилади ва

албатта фото суръатлар олинади. Атроф мухит ўрганилиб, керакли ўзгаришлар яъни тингловчи ўз хайкал композицияси шу жойда яхшироқ кўриниши ёки ароф мухит билан боғлаш таклифларини киритади ва таклифини макетлар ёрдамида кўрсатади. Макетларда атроф мухит аниқ масштабларда ишланиши зарур хисобланади. Ўз композицияси жойлашган жойни аниқ белгилайди ва композицияни умумий силует кўринишида жойлаштиради.

Объект ўрганиб чиқилгач, унинг атроф мухити, катта кичиклиги, жойлашган жойи ёки берилган номи хаттоки тарихидан келиб чиққан холда шу жойга мослаб хомаки эскизлар ва қораламалар ишлайди. тингловчи эскиз ишлаганида уни махобатли бўлиши кераклигини унутмаган холда, уч узоқликдан яни узоқ масофадан, ўрта масофадан ва яқин масофадан қолаверса хайкалнинг ҳамма томонидан чиройли ва композицион мукамаллигини тaminлаши зарур.

Узоқ масофадан қараганда хайкалнинг умумий кўриниши, шакли мухим ахамият касб этса томошабин ўрта масофага келганида хайкалда ким тасвирлангани, қандай холатда тасвирлангани, прапорциялар ва композицион маъноси кўзга ташланиши керак. Яқин масофага келганда, хайкалнинг хажми катта бўлганлиги сабабли унинг умумий кўриниши, прапорция ёки анатамик тузилишлари деярли кўринмайди, шу сабабли яқин масофадан қараганда хайкалнинг майда деталлари ва безаклари мукамаллигини тaminлаш керак.

Думалок хайкалтарошлик меъморий ансамблда ўзига хос ифодавий кучга эга. Замонавий шаҳар структурасида у жамоатчилик ахамиятига эга булган биноларга чизги беради ва юзага чиқаради. Шу билан боғлиқ холда, меъморий композицияларда якка хажмларнинг юксак ечими билан бир каторда, формаларнинг мураккаб композициясига эга бўлган бино-системалари ҳам кўлланила бошланди, бино композициясида думалок хайкалтарошликни қатнашиши хақида янги тасаввурлар пластиканинг бу турининг меъморчилик билан ўзаро боғлиқлигининг янги принциплари пайдо бўлди. Авваламбор шу принциплардан бири – бу фазовий ўзаро боғлиқликлар принциpidир. Бунда хайкалтарошлик бино хажми билан пластик жихатдан боғланмаган бўлиши мумкин, лекин у биргаликда фазовий яхлитликни юзага келтиришади. Думалок хайкалтарошлик бадий ташкиллаштирилган шаҳар мухитини яратишда мухим ахамият касб этади.

Хайкалнинг бино билан фазовий ўзаро боғлиқлиги, меъморий ва хайкалтарошликлик формалар хажмларининг таккосланишига асосланган.

Статик композициялар ва хайкални жойлаштиришдаги симметрия ўрнига уларни ансамблларда контраст, динамик карама-каршиликларда, ассиметрик жойлаштириш услуби келди. Ракурсларнинг тез алмашиниши, бадий эффектлар ва хис килиш (еки кабул килиш) нукталарининг купрок турли-туманлиги – думалок хайкал учун жой танлашдаги мухим критерийлардан бири хисобланади. Шунга мос тарзда хайкалтарошликнинг ўзида ҳам, уни меъморчилик билан фазовий узаро боғлиқликларига чизги берувчи пластик ифодавийлик воситалари ривожланди.

Назорат саволлари

1. Композициянинг хайкалтарошликда аҳамияти?
2. Композицияда уйғунлик?
3. Уйғунликка мос келувчи хайкалтарошлик асарларидан мисол келтириг.
4. Хайкалнинг бино билан фазовий ўзаро боғлиқлиги нимада?
5. Шаҳарсозликда замонавий хайкалтарошликнинг аҳамияти.
6. Хайкалтарошликда ландшафтнинг ўрни.
7. Хайкалтарошликда композицион уйғунлик деганда нимани тушунаси?
8. Хайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлигини нимада кўриш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014
2. Edouard Lanteri. *MODELLING AND SCULPING ANIMALS. ART/SCULPTURE*. Copyrighted Material/2006.page-229.
3. Karin Xessenberg. *SKULPTING Basics*. Everything you need to know to create fantastic three-dimensional art. Getting Started/2008.page-128.
4. Antonio Canova: la cultura figurativa e letteraria dei grandi centri italiani: Mazzocca, Fernando Venturi, Gianni. Bassano del Grappa. Milano/Instituto di ricerca per gli studi canoviani e il neoclassicismo. / 2006/page-184.
5. Маркин Ю.П. Пластические произведения. – М.: Искусство, Учебное пособие. 1996. – 234 с.

2-мавзу: Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш.

Режа:.

- 2.1. Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари
- 2.2. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш.

Таянч иборалар: санъат, композиция, мутаносиблик, ритм, контрельеф, барельеф, горельеф, тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ашё, бадиий образ.

2.1. Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари

Хайкалтарошлик кўриниши сифатидаги рельефнинг роли жуда аҳамиятлидир. У жуда қадимий тарихга эга бўлиб, катта бадиий имкониятларга эга. Шунингдек, ўзининг бадиий ва техник хусусиятлари ҳам мавжуд. Рельеф (лотинча *relievo* – бўртма, бўртмали хажм) ўзининг тасвирий имкониятлари бўйича думалоқ хайкалтарошлик билан текис сатхли тасвир орасида туради. Классик рельеф маҳобатлилик чизиқларига ҳам эга: текис фондаги тасвир деворнинг текис сатҳини бузмайди, балки, шу фонга худди

параллел ястанади. Пластик рельефни маҳобатли – декоратив хайкалтарошлик бўлимига киритиш мумкин, бу кўп ҳолларда, одатда меъморчилик билан боғлиқ бўлади. Рельефдаги фигуралар композицияси текислик сатҳи бўйлаб ёйилади, бу бир вақтнинг ўзида ҳам фон, ҳам тасвирнинг техник асоси сифатида хизмат қилади. Бу эса рельефда манзара ва кўп фигурали сюжетларни ишлашга имкон беради. Бундай текислик билан органик боғлиқлик рельефнинг ўзига хослигидир.

Рельеф, анъанавий тасаввурда меъморий иншоот, унинг гавдаси, оғирлиги ва пластикаси билан боғлиқ. Лекин унинг меъморий сатҳ билан ўзаро боғлиқликлари турлича намоён бўлади. Бир томондан, бу бино композициясидаги рельефнинг жойи ва ролининг умумкомпозицион характерга эга боғлиқлигидир; бошқа томондан бу хайкалтарошлик билан меъморий шакл тили орасидаги пластик боғлиқлик сферасидир. Замонавий биноларнинг фазовий структураси, уларнинг конкрет шаҳарсозлик ҳолати ўз навбатида, рельефнинг сурилиш системасини яратади, у ҳар доим ҳам асосий фасаднинг симметрик ўқлари билан ҳамоҳанг бўлмайди, яъни классик талабларга мос эмас, лекин одатда, функционал томондан ўзини оқлаб, иншоотнинг янада муҳим томонларига чизги беради (асосий кириш жойи-асосий функционал ҳажм). Бу бинонинг нейтрал қисмидаги декоратив элемент ёки фазовий конструкция бўлиши мумкин.

Рельеф ўзининг информатсион функциясини бажаради ва меъморий шакл билан ўзаро боғлиқ бўлиб, йирик шаҳарсозлик вазифаларини ечишга ёрдам беради.

Мавзу ва мавзуга мос жой танлаш: Мавзу эркин равишда тингловчи хохиши, дунёқараши, фикрлаши билан танлайди. Танлаган мавзусидан келиб чиққан холда жой танлаши зарур. Танланадиган мавзу рельеф кўринишида бўлиши талаб қилинади. Шу сабабли рельефга мос бино, иншоот ёки бирор девор танланади. Рельефлар уч турга бўлинади:

1. Рельеф
2. Горельеф
3. Барельеф

Рельеф - Рельефда предмет ва фигуралар табиий ўлчовининг ярмида ясалган бўлади. Бинонинг ташқи томонида, юқорида жойлаштирилдиган асарларга рельефнинг бу тури тўғри келмайди. Фигуралар айлана формаларга эга эмас; томошабин биринчи қарашда хайкалнинг қайси томони бўртиб чиққан, қайси томони чўкканлигини айтиб бера олмайди. Узоқдан қараганда форма ва контурлар ноаниқ кўринади, сабаби фигуралар соялар архитектура формалари ўзидан чиқарадиган сояларда йўқ бўлиб кетади. Шу сабабли рельефни бинонинг ички декорировкаси учун қўллаш қулай бўлиб келган.

Қадимги усталар рельефни жуда яхши ишлатганлар, рельеф билан думалоқ рельефли нарсалар безатилган — вазалар, устунлар шулар жумласидандир. Юқори рельефда моделировка қилинган фигуралар предметнинг думалоқ шаклини бузиб, унинг нафис шаклига беқиёс зарар етказган бўлар эди. Бундан ташқари унинг баъзи қисмларини узоқ муддатдан кўриш анча мураккаб бўлар эди.

Рельеф ҳақида тушунча берар эканмиз, рельефнинг учта тури бор: баланд рельеф (горельеф), рельеф ва паст рельеф (барельеф), шунингдек уларнинг орасидаги градациялар. Иморатни рельефнинг қайси тури безаши катта аҳамиятга эга.

Горельеф - Биринчи навбатда, ҳар қандай дўнглик соя чиқаришини эсда тутиш керак. Горельеф айнан шундай асарлар учун мўлжалланган. Берилган энг кучли ёритилиш ҳолатида архитектура ёдгорлигининг баланд нуқтасида жойлаштирилган бўлиб аниқ бир масофада курилади.

Греklar санъатнинг энг олий даврида рельефни айлана пластинка ўлчовида қилишган - храмлар фронтонларини безаб турган ҳайкаллар айнан шундай бўлган, архитектуранинг дорик метопларининг ташқи фризлари. Агар рельефлар камроқ бўртиб чиққан бўлганда эди, ажойиб санъат намуналари тарқоқ ёруғлик билан ўлдирилган бўлар эди, яъни улар тиник бўлмаган кўринишга эга бўлар эди.

Барельеф - Паст рельеф, ёки барельеф, кичкина чуқурликни белгилаш учун қўлланилиб, ёритилиши кам бўлган жойларда ишлатилади. Антик дунёнинг энг машхур паст барельеф намунаси деб, Парфеноннинг бризини кўрсатишимиз мумкин. У паст рельефда ишланганининг сабаби куёш нурларининг етиб бормаслигида. Коллонада ҳамда деворнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб у фақат қайтадиган ёруғликни қабул қилган, мрамор пол куёш ёруғлигини қайтарганда уни кўриш мумкин.

Ҳажмли ҳайкалтарошлик ва рельеф-пластика турлари бўлиб уларнинг асосида объектни уч ўлчовда тасвирлаш ётади. Думалок ҳайкал ҳақиқий кўринишда уларнинг баландлиги, кенлиги ва чуқурлигини ҳақиқий ўлчовларда кўрсатилишини талаб қилади. Рельефда фақатгина иккита ўлчов-баландлиги ва кенлиги ҳақиқий бўлиб қолаверади, чуқурлик эса шартли равишда курилади ва турлича чегарада олиниши мумкин. Тасвирнинг чуқурлигига қараб рельеф икки турга ажратилади: горельеф ва барельеф. Барельеф думалок ҳайкалнинг $1/3$ нисбатлари чуқурлиги асосида курилади, горельеф эса ҳақиқий ҳайкалнинг $2/3$ ёки $3/4$ нисбатдаги чуқурлигида курилади.

Ҳайкал тасвирлари рельефда томошабин учун ҳажмли кўриниши ва думалок шакли ҳиссини уйғотиши керак. Ҳайкалтарошлик рельефи ҳажмли шаклни чуқур ўрганиб чиқиш асосида курилади. Рельефлар усулида бошни ён томонидан тасвирлаш анча кўпроқ тарқалган, лекин тўртдан уч қисмига бурилган кўринишлари ҳам тез-тез учраб туради.

Бино композициясида рельеф: Думалок ҳайкалтарошликка нисбатан бинолар композициясида кўпроқ рельеф ишлатилади. Чунки, ҳайкалтарошликнинг бу турини итерьерларида ҳам, экстерерларида ҳам қўллаш жуда қулай ва унинг имкониятлари кенг. Рельеф анъанвий тасаввурда думалок ҳайкалтарошликга нисбатан, меъморий иншоот, унинг умумий ҳажмдорлиги массаси ва пластикаси билан боғлиқдир. Лекин унинг меъморий асос билан ўзаро боғлиқлиги турлича намоён бўлади. Бир томондан бу умумкомпозицион характердаги боғлиқлик бўлиб, бино композициясидаги рельефнинг ўрни ва ролини белгилайди; бошқа томондан

бу хайкалтарошлик ва меъморий шакиллар тили билан пластик боғлиқликларнинг жабхасидир.

Рельеф айникса меморчилик ва унинг композицион воситаларида рўй берадиган ўзгаришларга тез таъсирланади. Замонавий боскичда тугилаётган, ҳам меъморчилик, ҳам пластикани бойитувчи композицион ўзаро боғлиқликларнинг янги шакиллари кидириш, кўп йўналишлардан ўтади. Шулардан бир нечтасини кўриб чикамиз. Замонавий меъморчилик табиатининг композицияси рельефни кўллашда кўп турли-туман имкониятларни тугдиради. Бу прицип, тасвирий ифодавий воситаларнинг умумий политрасига рельефни киритишни аник шакиллари ва услубларини катъий ўзгартирувчи, шахар талабларидан диолектик принципларида мавжуд бўлади. Рельеф хакида гапирилганда, асосан уни бинолар декорида кўлланилиши ҳам назарда тугилади. Рельеф кўлланилишидан турлари ва усуллари асосан у ёки бу иншоотнинг функционал спекцификацияси, шахарсозликнинг холатини инобатга олувчи копозицион ўзига хосликлар, шунингдек ташки хажмни пластик характеристикасини яратувчи материал характери билан аникланади. Иншоотнинг нимага мўлжалланганлиги билан рельефнинг информацион функцияси чамбарчас боғлиқ, у хайкалтарошлик воситалари ёрдамида мавзунини образли ёритиб бериш имкониятига эга. Биноларнинг фазовий структураси, уларнинг аник шахарсозлик холати, ўз навбатида, рельефни албатта классик талабларга мос келтириб жойлаштиришни назарда тутмайди, яъни бинонинг фасад қисмлари ёки симметрия буйича, балки функционал ўзини оклаган иншоотнинг янада мухимрок қисмларига чизги берувчи жойларга жойлаштиришни талаб қилади. Рельеф ўзининг информацион функциясини катта меъморий шакл билан узаро харакатланиб бажариши мумкин, бунда катта шахарсозлик вази-фаларини кичик роли билан ечишга ёрдам бериши мумкин. Буларнинг хаммасида рельеф койдага кура, композицияда энг актив декоратив пластик мотив бўлиб, унинг мазмунини ассотиатив шакл ёрдамида ниҳоят аник ифодаланиши мумкин, шунингдек, орнаментал характердаги ҳам. Унинг пластик шакли, аник вазифалардан келиб чиққан холда, чизги берилган график трактовка, ёркин ифодаланган фактурали ва колористик сифатларга эга булиши керак, актив фон билан хамоханг холда.

Рельеф шаклининг характери, унинг пластик ифодавийлиги иншоотнинг хажм фазовий композицияси ва унинг пластик характеристикаси билан тугридан тугри боғлиқ булиши керак. Меъморчилик ва хайкалтарошлик орасидаги композицион боғлиқликларни аниклашда материал мухим ахамият касб этади. Бу холатнинг илдизини, замонавий меъморчиликка муким кириб келган, узининг архитектоникаси хамда пластик имкониятлари буйича турли ва янги курилиш материалларининг турли туманлигидан излаш мумкин. Бу материалларнинг таркалиши, уларнинг функцияси нуктаи назаридан фарклаш (конструктив ва декоратив, ураб турувчи ва кутариб турувчи, иссиқликни сакловчи ва овозни ютувчи ва хоказо), бугунги кундаги инсонларни сергак холда турли хусусиятли

материалларни идрок килишга ундади. Бунга бир неча мисолларни келтириш мумкин.

Амалиет шуни курсатадики ,меъморий ва хайкалтарошлик формаларининг тектоник яхлит ечимига асосий материал сифатида ғишт кўлланиладиган иншоотларда ҳам эришилди.Девор ва декор учун ягона материал сифатида ғиштнинг кўлланилиши меъморчиликда рельефнинг яратилишида кўп таркалди лекин табиийки, бу материалнинг пластик сифатлари айнан хайкалтарошлик композициялари учун кулайликлар яратади.Унда материал рельеф ва фон девор учун ягона бўлиб, органик (форма) шаклнинг туғилишига асос бўлади, иншоотнинг пластик табиатини ифодалайди.

Меъморчилик билан хайкалтарошлик формаларининг ўзаро боғлиқлигидаги яна бир мантикий принцип замонавий пластик композицияларда кенг таркалган бўлиб , материалларнинг контрастлиги ва бир биридан фарк килишига асосланган. Кўп холларда тош меъморий форма (бетон,ғишт,табиий тош ва хоказо) ва металлдан қилинган хайкалтарошлик таккослаб кўлланилади. Масалан, бетондан қурилган меъморий иншоот нейтрал рангдаги деворига алюминийдан ишланган мураккаб фазовий контрастда қабул килиниши мумкин.Бунда девор худди экран каби трактовка қилиниб ,ундан гўёки овозли тулкилар рельеф композицияси оркали чикиб келади.

Меъморий иншоотларнинг фазовий композицияларида рельефнинг иштирокини куриб чикаётиб ,форманинг яна бир специфик турини , яъни рельеф панжарани ҳам инобатга олиш лозим. Фазовий вазифалар ва уларнинг пластик ифодасини ечиш характериға кўра, бундай рельеф алохида турган меъморий пластик формаларға-девор, пилон ва хоказоларға бириктирилади.У катта фазовий эгилувчанликка эға бўлганлиги сабабли жуда эффектли кўринади. Шунинг учун рельефни кўллаш, бинонинг кенг фазовий – пластик арсеналидан фойдаланиш имконини беради.

Панжарасимон рельеф декоратив хайкалтарошликнинг ўзига хос тури бўлиб,кўп йиллардан бери жахон меъморчилигида кенг кўлланилиб келинмокда .Кўп холларда рельеф панжара бинонинг пластик хажмини бойитиш воситаларидан бири ҳамда унинг янги тўлдирувчи детали бўлиб, унинг ёрдамида шахар мухити ва табиат билан контакт тикланади.

Юкоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, замонавий меъморчиликда рельефнинг имкониятлари жуда кенг. Рельеф меъморий формаларни пластик бойитувчи воситалардан бири бўлиб,уни образли ифодавийлигини янада кучайтиради.

2.2. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадий образ яратиш.

Ҳакалтарошлик асарларини яратишда турли хилдаги ашёлардан кенг кўламда фойдаланилади. Ҳайкалтарош ўз ишида ашё сифатида лой (бойитилган каолин, шамот), пластилин, ёғоч (асосан мевали, қаттиқ дарахтлардан), тошнинг ҳар хил турлари (гранит, диорит, базальт,

лабрадорит, порфир, сиенит, габбро, мрамор), полиэфир смоласи, металлдан (бронза, латунь, мис, алюминь, чўян ва қора металл) фойдаланади. Ҳар бир ашёнинг ўз вазифаси ва махсус ишлатилиш техникаси бор. Ҳайкалтарош учун хомаки эскиз ва моделлар яратишда энг қулай ашё лойдир, расом ундан асар оригиналини ясайди. Лой тез қуриб, ёрилиб кетиши туфайли асар оригиналини бир қадар қаттиқ ашёга қўчириб олишга ҳаракат қилишади: гипсга ўтказилади. Тошларнинг орасида ашё сифатида ҳайкалтарошлар учун энг яхши ашё мрамордир. Шу билан бирга, бронза ва бошқа металлдан қўйилган ҳайкал мустаҳкам ва чидамли бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳайкалтарошлик асарининг мазмуни бевосита танланган ашё билан чамбарчас боғлиқдир. Бир томондан ашё шакл пайдо қилишда йўналиш беради, пластик образни очиб, шаклнинг характерини шартлайди, қандай ашё танлашни таъкидлайди. Мазмун, шакл ва ашё ҳайкалтарошнинг асардаги илғор ғояларини гавдалантиришга ёрдам беради. Ҳар уччала компонент гармоник ўзаро боғланганда, ҳайкалтарошлик образи кучли ифодланади. Ашё ҳайкалтарошнинг ғоясини маълум йўналишда ривожлантиришга ундайди.

Ашёларнинг хусусиятлари асар ишлашда, томошабин томонидан ҳис қилишда турлича бўлганлиги боис, қуйида ҳар бир ашёга қисқача таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Тош – табиий ашё бўлиб, жуда мураккаб ва бой тизимга эга. Ҳар бир тош турига сайқал берилганда асарга турлича жозиба бағишлайди, пластик хусусиятларини ёритиб беради.

Металл – қаттиқ ашё бўлиб, ҳайкалдан олинган қолипга эритиб, суюқ ҳолатга келтирилган ҳолда қўйилади ва қотирилади. Қолипдан олинган, унга турли асбоблар ёрдамида ишлов берилади. Юқорида таъкидланганидек, металлнинг бир неча турлари мавжуд. Уларнинг ҳар биридан яратилган асар турлича жозибада бўлади. Бир хил композиция бир неча турдаги металлдан ишланганда, улар бир-бирига ўхшамаган ифодавий эффектни беради.

Ёғоч – энг қадимий ва арзон ашё турларига киради. Унинг ифодавий имкониятлари ниҳоятда кенг бўлиб, табиий тузилиши билан боғлиқ. Яъни ёғочдаги йил халқалари, дарахт танасини қоплаб турган толали асоси, пўстлоғи ва танасининг ички қисмини ранги, фактураси яратилган ҳайкалтарошлик асарини янада бойитади. Ҳайкалтарошликда асосан граб, тисс, нок, ёнғоқ, бук, олма, ўрик, дуб, тут каби дарахтларнинг ёғочларидан кенг фойдаланилади.

Гипс ҳайкалтарошликда қўлланиладиган энг қадимий ашёлардан биридир. Гипсда қурилиш ва ҳайкалтарошлик ашёси сифатида қадимий Мисрда ва Марказий Осиёда узоқ ўтмишдан бошлаб қўлланилиб келмоқда.

Кўплаб археология қазилмалари кўздан кечирилса, қадимги Рим империясида гипс энг кенг тарқалган ҳайкалтарошлик ашёси ҳисобланган.

Қадимги ҳайкалтарошлар эскизлар билан бир қаторда кўплаб тугатилган санъат асарларини гипс ашёсида бажаришган.

Эрампдан олдинги I асрларда гипсдан ҳайкал қўйиш удум бўлган эди. Вафот қилган одамларнинг юзидан маска олиш ҳам гипсдан бажарилган.

Ҳайкалтарошларнинг устахонасида бундай маскалар келгусида портрет яратиш учун хизмат қилган.

Уйларни ичини безашда гипс ҳайкаллардан жуда қадимдан фойдаланиб келишган. Гипсни саноатда ишлаб чиқариш XII-XIII асрдан бошланган.

Гипс ҳайкалтарошлик санъатида энг зарур ашёлардан бири ҳисобланади. Гипсдан қолип яшаш мумкин. Қолипдан гипс қуйиб ҳайкал чиқариш мумкин. Ҳайкалтарош лойдан кейин авваламбор ўз асарини гипсда кўради. Гипсдан кейингина қаттиқ ашёларга ўтказиши мумкин. Қайси бир қаттиқ ашёга; тош, металл, бетон ва хоказо, ҳайкалтарошлик санъат асарини ўтказишдан олдин уни албатта биринчи бўлиб гипсга ўтказилади. Гипс қолип яшашда ноёб ашёлардан биридир. Гипсдан ясалган қолипларга нафақат ҳайкалтарошлик асарлари, балки чинни, фаянс, терракота асарларини қуйиш мумкин.

Табиатда гипс икки мадификацияда учрайди: биринчи модификацияси-двугидрат ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$), иккинчиси –ангидрат (CaSO_4)

Табиий сульфатлар группасидан, двуводный гипс энг кўп тарқалган ва кўп миқдорда ишлатиладиган ҳисобланади. Бундай гипс 79,05% сернокислий кальций ва 20,95% кристалланган сувдан иборат. Қолип тайёрлаш учун гипс тоши ($\text{CaSO}_4/2\text{H}_2\text{O}$) ни 140-170⁰С температурада куйдирилади. Куйдириш давомида ундаги сув таркиби чиқиб кетади ва полугидрат ($\text{CaSO}_4 \cdot 0,52\text{H}_2\text{O}$) га қайтади. Бунинг учун гипснинг ҳажмига нисбатан 18,6% сув зарур бўлади.

Гипс жуда ҳам юмшоқ ашё, уни хатто тирноқ билан ҳам , чизғилаш мумкин. Табиатда гипс тоза холатда деярли учрамайди. Гипсга албатта лой, кум ва бошқа майда ашёлар аралашган бўлади. Гипснинг ранги ҳам табиатда ҳар хил бўлади: сарғимтир, кўкимтир, кулранг ва хоказо. Саноат ишлаб чиқариш жараёнида гипс, бошқа ашёлардан тозаланади ва унга сунъий равишда ҳар хил тус берилади.

Гипс сувда жуда тез эрийди ва тез қотишга бошлайди. Айниқса полугидрат гипси жуда тез қотади ва анча қаттиқ бўлади. Гипс қотиш жараёнини унга елим кўшиш услуги билан секинлаштириш мумкин. Бу секинлашиш 5 минутда 32 минутгачагина амалга ошиши мумкин. Аммо бу жараён ҳайкалнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки гипс қотиши жараёни қанчалик секинлашса, шунчалик у юмшаб боради. Натижада гипснинг кучи пасаяди.

Гипс ўзининг механик ожизлиги натижасида, ҳайкалтарошлик учун ўта ноёб ва зарур ашё бўлишидан қатъий назар, ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек натижа беролмайди. Унинг сувда-қор ёмғирда эзилиб кетиши, атмосферанинг бошқа инжикликларига бардош беролмаслиги, уни очик ҳавода ўрнатиладиган ҳайкалларда ишлатиб бўлмайди.

Олимларимиз ва инженерларимизнинг кўп йиллик изланишлари натижасида гипснинг янги қаттиқ турлари кашф этилди.

Юқори қаттиқликга эга бўлган гипсни тайёрлаш учун гипс тошига ёпик қозонларда 2 атмосфера босимида ишлов берилади. Бу гипснинг қаттиқлиги босим бўйича 200-400 кг/см² эга бўлади. Оддий услубда куйдирилган гипсники эса 55 кг/см² босимгагина эга бўлади.

Ўта юқори қаттиқликга эга бўладиган гипсни, гипс тошини 800-1000⁰С да куйдириш натижасида тайёрланади. Бундай гипснинг қотиш жараёни 2 соатгача камаяди ва очиқ ҳавода янада қотишга бошлайди. Гипснинг бу тури қор, ёмғир ва об-ҳавонинг бошқа инжиқликларига бемалол бардош бера олади. Юқори ва ўта юқори қаттиқликга эга бўлган гипсларни цемент кика дейилади. Буни тайёрлаш учун гипс тоши 2 марта куйдирилади. Гипсни яна бир қаттиқ тури бу-парианцемент дейилади. Қаттиқ гипсларнинг учинчи тури Скольола дейилади.

Кейинги ашё цемент, бетондир. Бетон цементга қум, шебен, гравия кўшилмаларидан хосил бўлади. Бетондан кўпинча декоратив ҳайкаллар куйилиб, улар кўча ва хиёбонларни безаб туради. Лекин, баъзан бетондан бюст ва маҳобатли ҳайкаллар XIX асрнинг 70 йилларида пайдо бўла бошлади.

Ҳайкал учун курилишга ишлатиладиган бетон ҳам бўлаверади. Аммо унинг ишлатиш технологияси бирмунча фарқ қилади. Бетондан ҳайкал куйиш учун портланд-цемент ва унга кўшимчалар ишлатилади.

Портланд-цемент ГОСТ 10178-76 куйдириш натижасида майда заррачали бўлади. Куйдириш харорати 1400-1450⁰ С, унга 75-78% оҳактош майдаси ва 22-25% лой кўшилади. Гипс уни куйилишига ёрдам беради. Майдалагичда 10-15% менерал кўшимчалар кўшилади, ундан ташқари вулқон куллари кўшиш лозим. Ҳайкал куйишда портланд-цемент кенг тарқалган яхши ашёлардан хисобланади.

Цемент маркалари: Мустахкамлигига қараб цемент куйидаги маркаларга бўлинади: «300», «400», «500» ва «600». Ҳайкал учун цементнинг «300» ва «400» маркалари ишлатилади. Ҳайкал куйишда шунинг эътибордан четда қолдирмаслик керак-ки, цемент узоқ муддат сақланса ўз сифатини йўқотади. Жуда кўп туриб қолган цемент ҳайкалга умуман яроқсиз бўлиши мумкин. Узоқ сақланганда цемент сифати куйидагича пасаяди:

3 ой муддат сақланганда – 20 %

6 ой муддат сақланганда – 30%

1 йил муддат сақланганда – 40 % гача пасаяди.

Ҳайкал учун цемент танланганда албатта уни сақланиш хонасини ва муддатини кўздан кечириш лозим. Зах хонада сақланган ёки узоқ муддат сақланган цементни ҳайкал учун фойланиш асло мумкин эмас. Чунки бундай ҳолда ҳайкалнинг сифати пасаяди ва балки бутунлай тўкилиб кетиши ҳам мумкин.

Цементга қум, мармар ушоқлари кўшилса цементнинг ички қатлами анча мустахкам бўлади.

Қум (ГОСТ 87736 – 67, 8735-65). Яхши мустахкам ҳайкал куйиш учун қумдан лой, чанг ва бошқа бегона моддаларни чиқариб ташлаш учун қумни сувга эзиб кўйилади. Махсус идишда эзиб кўйилган қум идишнинг тубига чўқади, лой, чанг ва бошқа моддалар сувнинг юзига чиқади. Сув юзига чиққан моддалар олиб ташланади, натижада соф қум қолади.

Ҳайкал учун энг яхши қум бу дарёлар тубидан олинган қум. Бу қумнинг сифати давлат стандарти билан белгиланган. Дарёлар тубидан

олинган кумда туз моддалари бўлмайди, шунинг учун ҳам ундан ясалган бетон ҳайкалларнинг умри узоқ, сифати яхши бўлади.

Ҳайкал учун майда заррачали кум тавсия этилади. Қолипга цементнинг фақат ўзини қуйиш мумкин эмас. Чунки ёлғиз цемент ёрилиш хусусиятига эга. Ундан ясалган ҳайкал оби-ҳаво инжиқликларига бардош беролмай ёрилиб кетиши мумкин.

Мармар ушоқлари. Бетондан ҳайкал қуйиш учун мармар ушоқлари ҳам ишлатилади. Майдаланган мармар ушоқлари 0,5 мм дан 2,5 мм катталиқда бўлишлари мумкин. Қурилиш учун ишлатиладиган бетонга қандай талаб қўйилса ҳайкал учун ҳам худди шунингдек техник талаблар қўйилади. Мармар ушоқлари билан цемент пропорцияси 1-3 хажми ташкил қилиши лозим, яъни 1 кг цементга 3 кг мармар ушоғи.

Мармар ушоқлари ҳайкал қуйишда кум билан бирга аралаш ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан: 1 кг цементга 1,5 кг кум ва 3 кг мармар ушоғи. Декоратив жозибадорлигини кўзлаб растворга .слюда ёки шиша заррачаларини қўшиш мумкин эмас. Чунки бундай ҳолатда ҳайкалнинг сифатига путур етиши мумкин. Ҳайкалга декоратив жозоба-тус бериш учун майдаланган тоғ жинслари гранит ушоқлари, метал қириндилари, темир, бронза, чугун ва хоказо декоратив жараён талабига биноан қўшиш мумкин.

Сув. Бетондан ҳайкал қуйишда сувнинг ҳам ахамияти катта бўлади. Унга бегона моддалар аралашмаган, ниҳоятда тоза бўлиши керак. Бундай тоза сув водопровод суви бўлиши мумкин. Ботқоқлик суви, қўл суви ва хатто денгизнинг шўр суви ҳайкал учун асло ишлатилмайди. Баъзи сувларда ёғ моддаси эриган туз ва бошқа моддалар бўлиши мумкин. Бундай сувлар ҳайкал учун ниҳоятда хавфлидир. Цементга сув аралаштираётганингизда, унинг хўллигига эътибор бериш керак. Сувни меёрига қараб солиш лозим. Сув ортиқча солинса бетоннинг сифатига салбий таъсир қилиши мумкин.

Ёғочдан ҳайкал ишлаш услублари. Ёғоч ҳайкалтарошлик ашёси сифатида жуда қадим замонлардан бери ишлатилиб келинаётган ажойиб ашёдир. Айниқса шарқ мамлакатларида жумладан Япония, Хитой, Хиндистон, Индонезия, Малайзия худудларида ёғочдан ҳайкал яшаш, унга бадиий ишлов бериш жуда қадим замонлардан бери ривожланиб катта санъат чўққиларига эришилган. Асосан ҳайкалтарош усталар худолар, маъбуд ва маъбудаларнинг ҳайкалини яшашган.

Ёғоч - табиий ҳолда учрайдиган цилиндр шаклидаги ажойиб ҳайкалтарошлик ашёсидир. Ижодкор ҳайкалтарош ёғочнинг бу хусусиятини ўзининг композицион ечимида инобатга олишга мажбур. Бу дегани ижодкор ҳайкалтарош ўз ижод эркини бутунлай йўқотди деган гап эмас. Ёғоч табиатда хар хил ажабтовур формаларда учрайди, агар ҳайкалтарош бу табиат яратган фазилатлардан мохирона фойдаланса, унинг композицион ечими янада жозибалироқ чиқади. Ёғочнинг пластик хусусиятлари унинг табиатдаги хилма-хиллигига боғлиқ бўлади. Баъзи ёғочлар қаттиқ, баъзилари юмшоқ. Ижодкор ҳайкалтарош ёғочнинг турига қараб ўз композициясининг ечимини ўйлаши керак. Хар хил дарахт – ёғочга хар хил ижодий ёндашиш керак.

Ҳайкалтарошларнинг ижодий композицияларида ёғочнинг

имкониятлари чексиздир. Ёғочдан думалоқ катта ҳайкаллар, бюстлар, кўп фигурали композициялар, айниқса силуэтли композициялар яратишда ёғочга тенг келадиган ашё йўқ. Ёғочнинг турига қараб унга ҳар хил маҳсуслар ишловлар берилиши мумкин. Масалан: ёнғоқ, липа, Осипа, клен, нок бир хил хусусиятга эга. Улардан думалоқ ҳайкаллар ясаб нозик пластик формаларга эришиш мумкин. Ёғочнинг бундай турларида ҳайкалнинг энг майда деталларини ҳам ишлаб чиқиш имконияти бор ва бир формадан иккинчи формага Майин ўтиш мумкин.

Ёғочнинг кўп турлари тўқ жозибадор рангларга эга эмас, шунинг учун бундай ёғочларга ҳар хил услуб билан тус берилади. Ёғочнинг ички тузилишини оддий кўзимиз билан кўра оламиз. Бунинг учун уни арра билан ёриш керак. Ёғочни ёрганимизда унинг ички танасида доираларни кўрамиз. Бу доиралар жуда хилма-хил ва ажабтовур бўлади. Қари дарахтларнинг доиралари очроқ рангда, ёш дарахтларнинг доиралари тўкроқ рангларда бўлади. Ҳайкалтарош бу ажабтовур, табиат ўзи яратган, табиий декоратив доиралардан мохирона фойдаланиши мумкин. Ёғочни тепадан пастга қараб кесганимизда тўғри ёки спиралсимон чизиқларни кўрамиз. Бундай декоратив табиий тузилмадан ҳам ижодкор ҳайкалтарош ўз композициясида самарали фойдаланиши мумкин. Ёғочни кесалаб кесганимизда яна бошқа ажабтовур чизиқлар пайдо бўлиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики ёғочга бадиий ишлов беришда ёки ёғочдан композиция яратишда бу ашёнинг имконияти чексиз.

Ҳайкал учун тош ашёси ҳам ишлатилиб, унинг учун танлаш муҳим аҳамият касб этади. Тошдан ҳайкал ишлаш жуда қадим замонлардан бери одамзотга маълум. Эрамиздан олдин қадимги Мисрда тошга ишлов берувчи мохир устолар бўлишган. Кейинчалик қадимги Юнонистонда тошдан думалоқ ҳайкал ясовчи ҳайкалтарошлар кўп бўлишган. Эллинизм даври Рим империяси даврида тошдан кўплаб ажойиб ҳайкаллар ясашган. Қадимги устолар асосан кўпинча мрамор тоши ишлатишган. Кам холларда гранит, оҳақ тошдан ҳайкал ясаш удум бўлган.

Тошлар қаттиқ, юмшоқ, ўрта қаттиқликга эга бўлган тошларга бўлинади. Ернинг чуқурроқ қатламидан олинган тошлар қаттиқ тош хисобланади: -гранит, диорит, сиенит, лабродорит, габбро. Тошнинг эффузив турлари ўрта қаттиқликга эга: - порфирол, диабаз, базальт ва бошқалар. Даломит ва оҳақтошнинг жинслашувидан мрамор тоши пайдо бўлади. Тошнинг юмшоқ турлари: оҳақтош, туф, кумтош, гравий ва бошқалар. Қаттиқ тошлар ўзининг яхлитлиги ҳайкалтарошларни ўзига жалб этади. Қаттиқ тош гранитдан маҳобатли ҳайкаллар ясаш мумкин. У йирик блоклардан иборат бўлгани учун майда деталларни майдалаштиришга ўрин қолмайди.

Антик даврларда асосан мрамордан кенг фойдаланишган. Антик давр ҳайкалтароши олдин ўз асарини лойдан ясаган, кейин гипсга ўтказган, гипс ҳайкални маҳсуслар ўлчов асбоблари орқали тошга ўтказган. Ҳайкалтарош керакли ҳажмдаги тошни танлаб унга пунктир нуқталар қўйиб белгилаб чиққан. Бундай ишда маҳсуслар ўлчов мосламаларидан фойдаланган. Антик

давр ҳайкалтарошлари ҳайкалларни бўлақларга бўлмасдан яхлит тошга ўтказишга ҳаракат қилганлар.

Тошда эркин ижод қилиш жараёнида ҳайкалтарош тошни чуқур ҳис қилиб борган. Ҳайкалтарош яратган образга муштарак бўлиб кетган. Шунинг учун ҳам бундай иш ҳайкалтарошдан кунт, чидамлилиқ ва катта маъсулият талаб қилган. Бундай ҳайкаллар битмай қолганда ҳам ўз жозибасини оқлаб қолишган. Қадимги Мисрликлар ва Юнонлардан кўплаб тугатилмаган ҳайкаллар бизнинг замонамизгача етиб келган. Улар ўзларининг тугатилмаганлигига қарамасдан жуда маҳобатли ва чиройлидир.

Ҳайкалларни тошга ўтказиш жуда катта матонат, чидам ва узоқ муддат талаб қилган. Қадимги ҳайкалтарошлар Мисрда ва Юнонистонда ҳайкални тошга кўчиришда механик услубдан фойдаланганлигини фараз қилишимиз мумкин. Бу борада бизга аниқ маълумотлар етиб келмаган.

Тош турлари, қаттиқ тошларнинг декоратив хусусиятлари. Тоғ тошларининг турлари уч хилга бўлинади: Бўртиб чиққан тошлар, чўккан тошлар, турини ўзгартирган тошлар.

1. Бўртиб чиққан тошлар, ернинг тагидан кўтарилиб чиққан қотиб қолган магмалар. Буларнинг баъзилари ернинг чуқур тубида қотиб қолган (чуқурлик тошлари) бошқалари ернинг устки қатламига яқин (кўтарилган хили). Тош тошлари ўзининг минерал бирикмасига қараб ҳам бир-бирисидан ажралиб туради.

Оқим тошлари – порфирлар, диабозлар, бальзатлар ва бошқалар- бу тошлар тез совуған, шунинг учун маълум даражада кристаллашга улгурмаган, сатҳи кичик енгил ва сифати пастроқ.

1). Синган ва мўрт турлари – пеплар, пемза-вулқон отилганда газлар орқали улоқтириб ташланган, ўзларининг мўртлиги (тез синиб кетиши) билан ажралиб туради. Синган тош турларига туф ҳам киради, лекин у қаттиқроқ аммо майда заррачали.

Бўртиб чиққан тошларнинг таъсирида пайдо бўлган тошлар: а) кварц, б) кремнезем, шпатлар в) слюдалар г) темир магний силикатлар.

Бўртиб чиққан тошларнинг ранглари ҳам ҳар хил ранг-баранг бўлади.

2) Чўккан тошлар-сув тағларида ва куриқликда учрайди. Вулқон отилиш натижасида сув, ҳаво, углекислий газ босими остида пайдо бўлган тошларга айтилади.

А) парчаланган турлари: гравий, лой, кум (парчаланиш жараёнида пайдо бўлади)

Б) Кимёвий чўкмалар: -* гипс, магнезим, оҳактош.

В) Органген турлари-оҳактошлар, ракушқалар, бўр (майда хайвонларнинг суякларидан пайдо бўлган).

3) Турини ўзгартирган тош турлари (метаморфик) – чўккан тошлар баъзан кўтарилган тошлар. Температура босим натижасида зичлашган.

А) кумтошлар, кварц кристали билан жипслашиб кетган.

Б) мрамрлар даломит ва кальцит бирикмасидан ҳосил бўлган.

Тошларнинг қаттиқ турларига гранитнинг ҳамма турлари, базальт, порфир ва бошқалар. Бу тошлар қадимги Мисрда, Юнон Эллинизм даврида

ва Рим империясида жуда кўп ҳайкалтарошлар томонидан ишлатилган. Тошнинг қаттиқ турлари шу жумладан. Ўзбекистон ҳудудларида ҳам узок йиллардан бери ишлатилиб келинмоқда. Исломдан олдинги даврларда думалоқ ҳайкал, ассуарийлар ишланган бўлса, Ислом дини даврига келиб, сарой, мачит ва мадрасаларни нақшиндор қилишда ишлатилган.

Ҳайкал учун тош танлашда унинг декоратив хусусиятлари – ранги, текстураси, ҳайкални умумий композициясини бузмайдиган ҳолатда бўлиши лозим. Табиатда учрайдиган кўп тошлар йирик заррачали ва оч рангларда бўлади. Бундай ҳолат ҳайкалтарош дидига тўғри келмаслиги мумкин. Чунки маҳобатли ҳайкал яхлитликни талаб қилади.

Бундай ёрқин бўёқли тошлардан узок масофадан кўринадиган ҳайкаллар яшаш мумкин. Ўз ранглари бўйича тошлар – оқ, кулранг, қора. Қизғиш кулранг, яшил кулранг, жигарранг бўлишлари мумкин. Кулранг, кизил гранитлар декоратив ҳайкалларда кўпроқ ишлатилиши мумкин.

Оқ ва кулранг ҳолда кўпроқ мрамор ва оҳактош учрайди, габро ва лабродорит қора рангда бўлади. Баъзи тшларнинг ранги сал қизғиш, сариқ-оқ ва хоказо бошқа рангларнинг озгина таъсирида вужудга келган бўлади. Бундай ҳолларда тошларни «совуқ» ва «иссиқ» рангли тошлар деб аташ удум бўлган. Тошларнинг ранглари, декоратив хусусиятлари уларнинг қайси муҳитда туришига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунларда шаҳар ва туманларимиз ҳайкаллар билан безалмоқда. Бу ҳайкалларнинг ўрнини лойиҳада режалаштирган архитектор, ҳайкални қайси фонда туришини инobatга олиши керак. Чунки хар хил рангдаги тош ҳайкал хар хил фонда ёки атрофдаги муҳитда, хар хил тус олиши мумкин.

Мрамор ва оҳактошда композиция яратиш. Мрамор (Мраморос – marmaros- лотинча сўз бўлиб ялтироқ деган маънони англатади) антик даврларда энг кўп тарқалган ҳайкалтарошлик ашёси ҳисобланган. Бу ниҳоятда ноёб бўлиб, унга хос хусусиятларни бошқа бирорта ашёда учратиб бўлмайди.

Асрлар давомида унга тенг ашё топилмади ва мрамор ўта ноёб ашёлар орасидан жой олди. Мраморда ишлабтуриб қадимги антик давр ҳайкалтарошлари юксак маҳорат ва катта муваффақиятларга эришдилар. Улар мраморда ишлашнинг ўзига хос ноёб услубини кашф қилдилар. Антик давр бу ашёни нафақат кашф қилди, балки унга ишлов бериш технологиясини яратди, мраморнинг янги пластик имкониятларини очиб берди.

Мрамордан ясалган ҳайкал ўзига ёруғликни қабул қилиб, унинг композициясини бойитади, ҳайкал атрофида ажабтовур муҳит пайдо қилади. Инсон танасига ёруғлик берилганда ҳам худди шундай муҳит ҳосил бўлади. Оқ мрамор турларининг баъзилари ёруғлик –нурни шунчалик чуқур ўтказадик, уни инсон танасига жуда яқинлаштириб кўяди ва ҳақиқий иллюзия ҳосил бўлади.

Тошларнинг юмшоқ турлари ҳам қадим замонлардан бери ҳайкалтарош томонидан фойдаланиб келинмоқда. Юнонистонда бу ашёни «ПОРОС»- дейишган. Оҳактош ва туф кенг тарқалган тошлардан ҳисобланган.

Тоғ конларидан янги топилиб, чиқариб олинган оҳактошлар юмшок бўлади, очиқ ҳавода кўпроқ қолиб кетган оҳактош анча қаттиқлашади. Қадимги Юнон ҳайкалтарошлари оҳак тошдан умумлашган ҳайкаллар ясаб, уларнинг майда аъзоларини қилишмаган. Чунки Оҳактошни мўртлиги сабабли, майда, кичик аъзоларини қилишни имконияти бўлмаган. Оҳактошда мрамардаги хусусиятлар умуман йўқ. Оҳактошнинг пластик хусусиятлари ҳам мрамарга тенг кела олмайди.

Оҳактошлар ўзларининг келиб чиқиш жараёни органик деб ҳисобланади. Денгиз сувида кўплаб организмлар яшайди, уларнинг баъзилари оҳактошни пайдо бўлишида роль ўйнайди. Бу микроорганизмлар оҳак моддаларини ўз панжалари орасига яшириб олишади. Денгиздаги йирикроқ хайвонлар чағаноклар ҳам оҳак моддаларини ўзида ушлаб туришади. Бу хайвонларнинг суяклари бирикмасидан оҳактошлар пайдо бўлади. Замонлар ўтиши билан хайвон суяклари пресслашади ва тошга айланади. Оҳактошнинг пайдо бўлиши жараёни хилма-хил бўлгани учун ҳам, унинг сифати ранги, тузилиши хилма хил бўлади. Оҳак тошларини икки турга бўлиш мумкин: фузулин тошлари- денгиз хайвонларининг қаттиқ суягидан пайдо бўлган ва нуммулит тошлари – денгиз хайвонларининг қолдиғидан пайдо бўлган тангасимон шаклда.

Назорат саволлари

1. Ҳайкал учун тошлар қандай танланади?
2. Қаттиқ тош неча турга бўлинади?
3. Қаттиқ тошларнинг декоратив хусусиятларини гапириб беринг.
4. Мрамардан асосан қандай ҳайкаллар ишланади?
5. Оҳактошнинг хусусиятларини гапириб беринг.
6. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган тошларнинг қандай турларини биласиз?
7. Гипснинг ҳайкалтарошликда қандай ўрни бор?
8. Гипснинг кимёвий таркиби нималардан иборат, қандай турлари бор?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014
2. Edouard Lanteri. *MODELLING AND SCULPING ANIMALS. ART/SCULPTURE*. Copyrighted Material/2006.page-229.
3. Karin Xessenberg. *SKULPTING Basics*. Everything you need to know to create fantastic three-dimensional art. Getting Started/2008.page-128.
4. Antonio Canova: la cultura figurativa e letteraria dei grandi centri italiani: Mazzocca, Fernando Venturi, Gianni. Bassano del Grappa. Milano/Instituto di ricerca per gli studi canoviani e il neoclassicismo. / 2006/page-184.
5. Маркин Ю.П. Пластические произведения. – М.: Искусство, Учебное пособие. 1996. – 234 с.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотлар куйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини амалий таҳлил кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек тингловчилар билан ҳайкалтарошлик асарларини амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1- амалий машғулот: Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси. Шакл яратиш қонуниятлари. Ҳажмли шакл тасвири тамойиллари ва услублари.

Ишдан мақсад: Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати, техникаси, ишлаш хусусияти. Ҳайкалтарошлик санъат асарларида шакл яратиш қонуниятлари.

Масаланинг қўйилиши: Ҳайкалтарошлик асарларини яратишда ёрдам берадиган бадиий воситаларнинг даражаси аниқлаш. Ҳажмли шакл тасвири тамойиллари ва услубларини қўллаган ҳолда ҳайкалнинг эскиз композициясини яратиш. Ҳайкалтарошлик асарларининг бадиий, ифодавий ва композицион воситалар билан узвий боғлиқлиги очиқ бериш.

Ишни бажариш учун намуна. Шакл ва қиёфаларда реалистик ҳайкал яратиш. Ҳайкалтарошликда образ ва ҳажмдорлик ечими. Бадиий асарда ғоя ва фикр ечими. Махсус хона, ҳайкалтарошлик ашёлари, станок, ҳар хил ашёлар керак бўлади

Вазифа: Анималистик ҳайкал

Жойга мослаб мавзу танлаш. Анималистик ҳайкал топшириғи бўйича ҳайвонларга бағишланган композицияларга мурожаат қилинади. Тингловчиларга анималистик ҳайкаллар тўғрисида тушунча берилади. Тингловчилар бирон бир ҳайвонни танлашдан олдин, ўз олдига мақсад қўйиши лозим. Тингловчи ишланадиган ишга мос жой танлаши керак. Объект тарзида бирон бир болалар майдончалари, дам олиш масканлари, хиёбонлари, шаҳар ландшафтлари бўлиши мумкин. Объект танлаш жуда катта роль ўйнайди. Масалан, болалар майдончаларида бирон бир воқеа, эртақ, афсоналарга ҳам мурожаат қилиниши мумкин. Шаҳар ландшафтларига аниқ бир ҳайвонни декоратив кўринишидаги ҳайкали ҳам бўлиши мумкин. Бу мавзу жуда кенг бўлиб, ишланадиган композиция бирон бир функцияни ҳам бажариши мумкин. Масалан, боғлардаги ўриндик кўринишида, болаларнинг ўйинчоқ анжомлари кўринишида, майдончаларнинг асосий кириш жойларида белги сифатида ҳам бўлиши мумкин. Анималистик ҳайкалларнинг табиат билан уйғунлигини кўрсатиб, атроф муҳит билан боғланади, болалар майдончалари билан ҳамда танланган маълум бир объект билан танишилади. Ишланадиган асар учун хомаки чизмалар, кичик ҳажмда пластилиндан композициялар тайёрланади. Масалан, от ҳайкалини табиий ўлчовда амалга

оширмоқчи бўлсангиз, аввал уни тўртдан бир қисмида моделини ясаб олишингиз керак. Отнинг барча пропорция ва ҳаракатлари аниқлик билан сақлаб қолиниши керак.

Мавзу асосида майдончага қараб қўйиладиган ҳайвон тури белгиланади. Шунингдек, майдоннинг кўриниши, ишланадиган ҳайвонларнинг ўрнатиладиган жойлари ишлаб чиқилади. Баландлиги 171/2 дюймни ташкил этувчи отнинг ҳайкали учун қилинган синч қуйидагича бажарилади. Расмда кўрсатилган шаклда темир штангани олинг. Расмда бу штанганинг асосини ҳосил қилувчи крестовинаси кўрсатилган. Крестовинада, тахталарни қотириш учун винтларга қилинган тешиқлар мавжуд. (тахтанинг узунлиги 1 фут 9 дюйм, эни 8 дюйм ва қалинлиги 1 дюйм). Пастдан тахтага, чиришни олдини олиш мақсадида, ёнма ён ҳолатда тахта қисмлари қотирилади. (қалинлиги 1 дюйм ва кенглиги 4 дюйм;).

Тингловчи танлаган объекти ва мавзу устида иш олиб бориш хомаки чизмалар, эскизлар ишлаш билан бошланади. Тингловчи танлаган объектнинг ҳажмини, атроф муҳитдаги иморатлар ҳажми тузилишлари ва жойлашишлари ўрганилиб чиқилади. Агар дам олиш оромгоҳлари, хиёбонлари бўлса, ҳайкал турадиган жойга олиб борувчи йўлақлар ўрганиб чиқилади. Агар иш фаввора кўринишида бўлса, унинг жойи ва ҳажмини аниқлаш зарур. Ҳайкалнинг ҳажмини аниқлашда майдон ёки атроф муҳитдаги иморатлар ҳажмига қараб аниқланади. Ҳайкалнинг турадиган жойи жуда катта роль ўйнайди. Чунки ҳайкалнинг кўриниши унга танланган жойга боғлиқ. Ҳайкаллар ишлашда тингловчилар уларнинг ҳажмидан ташқари ҳар томонлама кўринишини таъминлаш зарур.

Мавзу устида изланишлар. Мавзу сифатида бирон бир ҳайвон олинса, ҳайкалнинг структурасига қараб унинг ечими устида иш олиб борилади. Бу ерда ҳайкал болалар майдончасида бирон бир ўйинчоқ, арғумчоқ ўрнида қўйиладиган бўлса, ҳайкал шу жойга мўлжалланиб, стилизация қилиниши керак. Ишланаётган эскиз ва хомаки чизмалар ҳайвоннинг тузилишига характерини ўқилишини таъминлаш зарур. Ҳайвонларни ўрганиш учун уларни табиатда, яъни, зоопаркларда, иподромларда уй ҳайвонлари бўлса, уларни табиий ҳолда кузатиб чизмалар, этюдлар ишлаган тавсия қилинади.

Мавзуга мос равишда отни олсак, аввалам бор шу ҳайвоннинг тузилишлари, характерлари ва ҳаётдаги ҳатти-ҳаракатларини ўрганишимиз ва кузатишимиз зарур. Бу жараёнда биз хомаки чизмалар ва пластилинда хомаки эскизлар қилишимиз керак. Катта ва кичик моделлар учун қилинадиган синчлар бир бирига жуда ўхшаш бўлади. Синч тайёр бўлганда унга керак бўлган позани беринг. Одамники сингари отларда ҳам ҳаракат, кўп ҳолларда бўйин қисмда намоиш этилади; бел бўғинларида ҳаракат умуман йўқ, белнинг пастки қисмида у жуда кам ҳолда сезилади. Синчни позага қўйиб олиш учун биринчи навбатда бел умуртқасига ахамият беринг, трубкани калла қарайдиган томонга қараб бураб қўйинг; умуртқа чизигига бутун жараён давомида тепадан қараб турунг.

Танланган ҳайвонни ўрганиш. Танланган ҳайвон сифатида отни оладиган бўлсак, аввало биз отларнинг турларига эътиборимизни қаратамиз.

Отларнинг умумий характериға ва уларнинг пропорциялар шаклларига эътибор берамиз. Отлар ҳар хил бўлади. Паст бўйли, нозик гавдали, катта юк ташувчи отлар, спорт отлари ҳам ўзига хос кўринишга эга. Буларни ишлашда албатта жойига бориб, кузатиш ишларини олиб бориш шарт, яъни, хомаки чизмалар қилиш, пластлинда этюдлар яшаш керак. Ўрганиш давомида отларни стилизация қилиш, уларни жойига, функциясига қараб мослаштириш ишлари олиб борилади. Аниқ бир тўхтама келиб, хомаки эскизлар тайёрлаш мобайнид симдан бўлган синчлардан унумли фойдаланиш зарур. Хомаки эскизларда ҳайвонларнинг пропорциялари характерли томонларидан ташқари ўхшашликлари муҳим рол ўйнайди. Хомаки эскизлар кафедра томонидан гуруҳ ўқитувчиси ёрдамида тасдиқланади ва моделга ўтказишга камида 70-80 см руҳсат берилади.

Хомаки эскизлар билан модель ўртасидаги фарқи, хомаки эскизлар, ишнинг кичик ҳажмдаги (15-20см) кўриниши хомаки эскизларда майда деталлар бўлмайди. Шунга қарамай маъно ва формалар жиҳатидан ўз ечимига эга.

Безакли шаклларни ўрганиш. Моделга келсак, кичик ҳажмдаги эскизни чизгич ёрдамида бир неча баробар катталаштирилади. Ишни моделга ўтказиш даврида эҳтиёткорликка эътибор қаратилиши лозим. Чунки кичик ҳажмдаги бўлақлар, катта ҳажмга ўтказилганда ўзгариши мумкин. Ишнинг пропорциялари, катта ҳажмлари ва пластик ечимига эътибор бериш уларни ишлаб чиқиш зарур. Модел ишлашда майда деталларга эътибор қаратамиз. Ҳайвоннинг кўз, оғиз, бурун, кулоқ, бошнинг тузилишига қараб ишланади.

Натурал кўринишдаги ҳайкалларда тери фактураси ҳам ишланади. Моделнинг пастки қисмдаги постаментга ҳам эътибор берилиши лозим. Постамент ишнинг маҳкам туришини таъминлайди. Постаментнинг паст-баландлиги ҳайкал турадиган жойга боғлиқ.

Агар вазифа сифатида болалар майдончаси олинса, бу ҳолда майдончанинг меъморий ечими устида ҳам ишланади. Бу билан ҳайкалнинг атрофидаги йўлақлар, дам олиш масканлари, иморат ва ўсимликлар ечими бир бирига тўғри келиши керак. Ҳайкалнинг ҳар томонлама кўриниши танланиши керак. Бу макет ёрдамида кўрсатиб берилиши мумкин.

Ҳайвоннинг пропорцияларини ўрганиш. Ҳайвонларнинг пропорциясини олганда, айнан ҳаётдаги пропорцияларга эътибор бериш шарт эмас. Ҳаётий пропорцияларни ўрганган ҳолда, биз ҳайвонларни майдончаларга мослаштириб пропорцияларини ўзгартиришимиз яъни, болалар майдончаларига мослаштиришимиз мумкин. Бу ерда ҳайвонлар шакллари стилизация қилиш ва умумлаштириш йўллари билан ишлов берилади. Барча чизиқлар аниқланиб, белгилангандан сўнг кейинги қадамга ўтинг: тепадан қараб, симметрияни сақлаган ҳолда подвздош суягининг олди гребенини, лопатка ва курак чизиқларини белгиланг. Кўрсатилган жойларни белгилаб олиб, ишни орқа томондан бошланг ва оёқлар котириладиган жойларни аниқланг. Энди навбат олди қисмига келди. Урта чизиқнинг ҳолатини аниқлаб олиб, бўйин айланаси, елкалар симметрияси ва калланинг жойлашувлари белгиланади. Сўнг ҳар бир томондан кала, оёқлар ва думни

жойлашувини кайд қилинг. Нихоят барча белгиланган нукталарни боглаб, имкон даражасида осон йўл билан уни амалга оширишга ҳаракат қилинг.

Анималистик ҳайкал моделига тайёргарлик кўриш. Барча чизиқлар аниқланиб, белгилангандан сўнг кейинги қадамга ўтинг: тепадан қараб, симметрияни сақлаган холда подвздош суягининг олди гребенини, лопатка ва кукрак чизиқларини белгиланг.

Кўрсатилган жойларни белгилаб олиб, ишни орқа томондан бошланг ва оёқлар котириладиган жойларни аниқланг. Энди навбат олди қисмига келди. Урта чизиқнинг ҳолатини аниқлаб олиб, бўйин айланаси, елкалар симметрияси ва калланинг жойлашувлари белгиланади.

Анималистик ҳайкал ишлаш учун бирон бир дам олиш хиёбони, болалар боғчаси ва майдончалари танланади. Атроф муҳитдан келиб чиқиб, бу майдончаларга ишлов берилади. Бу ерда майдончанинг йўлаклари кўйиладиган фавворалар жойлари, ота-оналар учун дам олиш жойлари ва балалар ўйнаши учун қулайликлар яратилади. Бу қулайликлар ва уларнинг ҳажмлари дунё стандартларига жавоб бериши шарт. Шу билан бир қаторда бу ерда кўйиладиган анималистик ҳайкалларнинг жойлари ва ҳажмлари белгиланади.

Ишни якунлаш. Сўнг ҳар бир томондан калла, оёқлар ва думни жойлашувини кайд қилинг. Нихоят барча белгиланган нукталарни боглаб, имкон даражасида содда йўл билан уни амалга оширишга ҳаракат қилинг.

Катта планлар ҳаракати белгилаб олингандан сўнг, улчашларни бажариб, тана тузилмасини ҳосил қилувчи пропорцияларни тахта бўлаклари ёрдамида қайд этиб олинг.

Отнинг териси, айникса бўйин ва тананинг орқа томонларида, ўта сезгир; бу деталлар тоза зотли отларда яққол кўриниб туради. Улар асарга ҳаётбахш ҳаракатни ато этиб, ишдаги бир хилликни йукотиб беради. От терисининг сочлари кўнғироқ шаклида бўлгани унинг юзасига ўзгача нозиклик бағишлайди; бир бирига қараб ўсаётган сочларни «перья» деб аташади, улар кўпинча тананинг орқа қисмлари, ён томонлари, тизза косаси, ҳамда кўкрак мускулларининг тепасида бўлади.

Назорат саволлари

1. Эскиз нима ?
2. Объект билан ишлаш нима учун керак?
3. Масштаб деганда нимани тушунасиз?
4. Жойга мослаб қандай мавзу танлаш мумкин?
5. Мавзу устида изланишлар нималарга асосланади?.
6. Танланган ҳайвонни қандай ўрганиш лозим?
7. Композицион ечим устида изланиш ҳақида гапиринг.
8. Ҳайвоннинг пропорциялари қандай ўрганилади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барышников А.П., Лямен И.В. Основы композиции, – М.: Искусство, Учебное пособие. 1995. – 198 с.
2. Томский М. Композиция в скульптуре, – М.: Госиздат, Каталог. 1995. – 236 с.
3. Маркин Ю.П. Пластические произведения. – М.: Искусство, Учебное пособие. 1996. – 234 с.
4. Karin Hesselberg. *SKULPTING Basics*. Everything you need to know to create fantastic three-dimensional art. Getting Started/2008.page-128.

2-амалий машғулот: Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш. Юқори эстетик дид талабларини шакллантириш. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналари.

Ишдан мақсад: Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш. Юқори эстетик дид талабларини шакллантириш. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналари.

Масаланинг қўйлиши: Ҳайкалтарошлик асарида ва табиатнинг эстетик таъсири, идрок қилиш қонунлари мавжудлиги. Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш ва шарҳлаб бериш.

Ишни бажариши учун намуна: Ўқитувчи тингловчиларни гуруҳларга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Махсус вазифа берилади, тингловчи амалда бажаради.

Вазифа: Ёдгорлик тахтачаси

Ёдгорлик тахтачаси ҳақида тушунча ва мавзу танлаш. Ҳайкалтарошлик санъати табиат билан уйғунликни ўз ичига олар экан, унда намоён этилаётган асарлар ўзида катта мазмунни англатади. Ҳозирги кўрилаётган мавзуимиз ҳам инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлигини кенг ёритишда хизмат қилади.

Ёдгорлик тахатчаси - муҳим тарихий воқеалар асосида бирор бир шахс хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Буюк сиймоларни, рассом, шоир, қахрамон, фан арбоби, тарихий шахслар образи, уларнинг ҳаётини фаолияти ва хотирасини улуғлаб, ҳайкалтарошлик қонун-қоидалари билан тасвирланган ва бадиий ечими топилган композиция рельеф асосида ифода этилган асардир.

Ёдгорлик тахтачаси учун объект танлаш ва жойни ўрганиш.

Тингловчи ўз ижодий иши устида изланар экан, ўз мавзулари юзасидан шахснинг ҳаёти ва ижоди, унга тегишли бўлган фотолари ва маълумотлари тўпланари. Ундан сўнг тингловчи асарга мос равишда объект танлаб, уни чуқур ўрганмоғи талаб этилади. Унда ёдгорлик тахтачасининг жойлашуви мавзуга мос равишда қурилиши учун ҳар бир жой ўз аҳамиятини касб этади.

Мавзуга мос жой танлансагина асар ўз қадр-қиммати, улуғворлиги ва таъсирчанлигини яққол намоён эта олади.

Тингловчилар мавзуси асосидаги ғоя ва фикрларини хомаки чизмаларда тасвирлайди. Асарда ҳақиқатни кўрсатиш жуда қийин масала. Руҳи кучли бўлган рассомгина, жонли асар яратиши мумкин. Сезгир ва онгли мавжудот олдида, сиз айниқса кучли фикрлаш маъсулиятига эгасиз, демак сиз онгли ҳолда асарингизни ҳамма томонларини чуқур ўйлаб олишингиз керак, масалан: позаси, кийим чизиғи, асарингизни катта-кичиклигига сабаб бўлувчи фоннинг ўлчовлари шулар жумласидандир.

Ёдгорлик тахтачаси мавзуси устида изланиш.

Танланган мавзу асосида хомаки чизма эскиз ҳамда пластеллин ҳомашёсидан фойдаланган ҳолда кичик ҳажмли бўртма композицияли эскизлар ишланади. Ушбу хомаки эскизларнинг ҳажми 15x20 смни ташкил этган бўлиб, ишланадиган эскизнинг ўлчами ушбу ўлчамдан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Ёдгорлик тахтачасига ишланган хомаки эскиз композициясини ишлаш жараёнида қуйидаги қонун қоидалар муҳим аҳамият касб этади.

Композиция - (latin. «compositio» — тузилиш, қурилиш) — бадиий асардаги образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши ва уларнинг мунофиқлиги.

Мавзу – бу рассом ўз асарида мурожаат қиладиган қатор ҳаётий ходисалар бўлиб, унинг яратилишида бу ходисаларнинг руҳий ўзаро боғлиқлиги асосий ролни ўйнайди.

Мавзу албатта ғоя билан боғланган бўлиб, ижодкор ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларидан ва жамият ҳаётини белгиловчи талқиндан келиб чиқади. Мавзу ва унинг талқини асарнинг ғоявий мавзули асосини ташкил этади.

Сюжет – бу аниқ мавзунинг ифодаси, маълум ҳодиса ва воқеанинг бадиий ижроси. Ҳар қандай мавзу кўпгина турли сюжетли ечимларни ўз ичига олади.

Сюжет, сюжетли ҳаракат орқали ҳолат, одам характери, қилиғи, тарихий воқеалар, маиший жанрли сюжетлар тасвирланади. Кўпгина ҳайкаллар жуда оддий сюжетга эга, уларнинг асосида қандайдир мураккаб бўлмаган воқеалар ётади.

Ҳайкал қандайдир мураккаб мазмунга эга бўлса-да, унда кечаётган ҳаракат қандайдир бир воқеани ифодалайди.

Пятно – ижодий ишнинг бир хилдаги умумий кўриниши яъни ундаги ранглар асосан бир хил кўринишни ташкил этади.

Силуэт – оқ фонда одам ёки бошқа нарсалар тасвирини ясси, ҳажмсиз, яхлит бўлиб кўриниши.

Олтин кесим – ҳажмларнинг чуқурликка қисқариб бориши преспектива қонунларининг асоси бўлган -“олтин кесим” нисбатлари қонуни бўйича амалга оширилиши керак. “Олтин кесим” қонуни қуйидаги нисбатларда: 3:5, 5:8, 8:13 ва ҳоказоларда белгиланади.

Пропорция – ҳайкалтарошликда ўлчамларнинг жойлашуви.

Ритм – яратилган асар компонентларининг оҳангдор, текис ёки динамик қайтарилиши. Услуби ва кўринишига қараб маҳобатли, декоратив ва дастгоҳ

турларига бўлинади. Бир ҳил шаклли элементни ҳар хил турда кўринишини ифодалайди.

Динамика – бир предметни иккинчиси билан ўзаро боғланишига айтилади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам ҳайкалтарошликнинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади. Пластик, динамика – бу ҳаракат демакдир. Яратилган асарнинг қай ҳолатда туришини, қай даражада эгилганлигини асослайди. Қўл пластикаси, оёқ пластикаси, бел пластикаси ва ҳоказоларни мисол қилишимиз мумкин.

Бадий образ – бу рассомнинг ҳаёлида тикланган, умумлаштирилган ифодаси, бутун давр, синф, сулола ҳақида сўзловчи санъат тасвири тушунилади.

Ҳайкалтарошлик образи моддий асосда пайдо бўлади, тасвирий ифоданинг махсус воситалари, борлиқнинг энг умумий аломатларида намоён бўлади, томошабинда у ёки бу эмоционал ҳиссиётлар, хурсандчилик, ғамгинлик, чуқур ҳурмат-эътибор, ғурур, тантанаворлик туйғуларини шакллантиради.

Ҳайкалтарошликда хилма-хил образлар – улуғлик, буюклик, қаҳрамонона, ҳис-хаяжонли, туйғули образлар мавжуд.

Умумлаштирилган образ учун эмоционал ва руҳий ҳолат жуда муҳим. Унинг ҳамма ташқи шакллари ҳаётнинг ички ҳаққонийлиги, ҳиссиётлар билан тўла намоиш этилиши лозим. “Умумлаштириш мавжуд ҳажм пластикасини бойитиш дегани, яъни шаклнинг ички мазмуни кучланиши маъносида”, деб таъкидланган.

Образнинг эмоционал янграшини кучайтириш учун ҳайкалтарошлар кўпинча гиперболага, бўрттиришга юзландилар.

Қиёслаш билан бевосита ифодаланган бадий образ - аллегория деб аталади. Аллегория кўпинча мавҳум тушунчаларни жонли образлар орқали гавдалантиришда, уларни жонлантиришда учрайди, яъни аниқ образларга яқин таққослаш орқали тасвирланади.

Ҳиссиёт – ижод кучлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди, бу репродуктив кучи деб айтилади, қайсики унинг ёрдами билан инсон ташқи олам билан алоқада бўлади ва ўзининг ақл-идроки билан акс эттиради.

Ҳиссиёт идрок, сезги, ҳотира асосида, шунингдек тафаккур ва бошқалар билан инсонга ҳаётдан олган таъсуотлар захирасига эга бўлишни тақозо этади ва бу соҳада турли фаолиятларни амалга оширади, жумладан, меҳнатнинг энг олий даражаси ҳисобланган ижод билан ҳам.

Пластик анатомия – ҳаракат тизимидаги суяк ва мускулларнинг тузилиши, шакли, уларнинг бирикиши, бўғим турлари ва улардаги ҳаракатларининг маълумотларидан ташқари, одамнинг динамик ва статик ҳолати, ташқи фазо, бўшлиқда тана оғирлиги мувозанат сақлаш, ҳамда тана турли қисмларининг нисбатларини ўргатади.

Анатомия – ўзида пропорция, тенгликни акс эттиради. Ҳайкал яшадан аввал биринчи навбатда унинг анатомияси ўрганилади. Ундаги ички руҳий кечинмаларини ифодалашда анатомия муҳим ўрин тўтади.

Пластика – 1. Ҳайкалтарошлик. 2. Силлик, майин, эгилувчан.

Перспектива – Перспектива сўзи латин французча аниқ кўриш, узокни кўриш деган маънони англатади. Перспектива ходисаси инсоният томонидан жуда қадим вақтларда сезилган ва айрим фикрлар баён этилган. Юнонистонда, Эвклид рисоласи, Рим архитектори Паоло Витрувий кўлланмаси ва хоказо, лекин Уйғониш даврига келиб бу фан жадал ривожланди. Борлиқни перспектива қонунлари асосида куриш методи хаётга йўл олди.

Архитектура – бу инсон томонидан бунёд этилган иншоотлар ва боғ-роғларнинг умумий жамланмаси.

Хомашё – ижодкор ўз мўтахассислиги учун кенг фойдаланадиган материаллар жамланмаси. Масалан, гипс, бетон, бронза, мис, алюмин, тош ва ҳакозолар киради. Ҳар бир тингловчи ўз ижодий асарини бойитиб ишлашда ва ундаги ҳарактер ва маъно – мазмунни ёрқин акс эттириши учун ҳайкалтарошлиқда қўлланиладиган материалларнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир.

Мармар - Ҳайкалтарошлаикда қўлланиладиган барча хомашё материаллардан, мармар кескин ҳаракатларни кўрсатиш учун энг ноқулай материал деб ҳисобланади. Шунинг учун мармар расомдан чизиқларнинг тинчлик ҳолатини сақлаб боришга мажбур этади.

Мармар ҳайкалтарошдан бутун мохирлигини ишлатишни талаб этиб, ҳайкатарошлиқ дорик ордени деб ҳисобланади. Ҳайкалнинг ҳаракати марказ атрофида эмас, марказига қараб йўналтирилган бўлиши керак.

Санъат қонунлари ҳамда тортишиш кучи инобатга олинган ҳолда бронзада энг кучли фантазияларингизни амалга оширишингиз мумкин.

Мен бир неча бетакрор портретли бустларни айтиб ўтаман, улар Роббиа санъатига мансуб бўлиб эмал билан қопланган, Саус - Кёнсингтон музейида сақланмоқда. XVII ва XVIII асрларда мавқеини йўқотган терракота, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб унинг тикланишини кўздан кечирган, ҳамда ўйлашимча терракота аста секинлик билан архитектура декорировкага нисбатан мустаҳкам бўлмаган гипс жойини эгаллаб олади. Одатда терракотадан қилинган ҳайкаллар қўйидагича ясалади: лойдан қилинган модел гипсдан қуйиб олиниб, ундан кўп қисмдан иборат бўлган форма олинади, унинг қалинлиги 1,5-2 дюймни ташкил этади; униформа-нинг қисмларига зарар етказмаслик мақсади-да, моделнинг чуқур ўйилган қисмларидан оли-нади.

Талалаба ушбу қонун – қоидаларни тўлиқ ўзлаштирсагина ўйлаган ва излаган мақсадига етиша олади. Бундан ташқари ишланаётган асари ҳам ўта таъсирчанлигини яққол ифода этиб туради.

Ёдгорлик тахтаси композицион ечимини топиш ва турли кўринишларини тайёрлаш.

Табиат мўъжизаларидан композиция тузиш машғулотининг тахминий тизими қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) Мавзу танлаш, мавзуга оид бадиий тушунчага эга бўлиш;
- 2) Мавзуга оид керакли материални табиатни кузатиш орқали йиғиш, қораламалар чизиш;

3) Мавзуга мос ҳаётӣ ишончли образ ечимини (сюжет)қидириш;
4) Топилган сюжетнинг турли вариантлардаги кўринишлари устида ишлаш;

5) Мавзуга оид кўшимча материаллар: қораламалар чизиб, уларнинг ўзаро пластик боғланишини яратилаётган ишнинг умумий яхлитлигини таҳлил қилиш;

б) Яратилаётган ишнинг хомаки вариантыни лой ва пластеллиндан ишлаш жараёнида катта-кичик ҳажмли массаларни мутаносиблигини, шаклларнинг симметрик жойлашганлигини, майда деталлардан ўринли фойдалана олинганлигини, оғирлик маркази тўғри топилганлигини иш қандай материалда бажариш кераклигини, рангини таҳлил қилиш.

Табиат мўъжизаларидан композиция тузиш учун тингловчи атроф-муҳитни ҳис эта олиши, унинг маълум қонун - қоидаларини билиши талаб этилади. Муҳими, уни пайқаш, англаш, фантазия қилиш ва керакли ишлов бера олишдир. Машғулотларда эса назарий материалларнинг амалиёт билан бевосита боғлиқлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Билимлар тизими уни амалиётда қўллашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Уни ҳаёт ва тажриба билан боғлаш ушбу тизимни чуқур ва мукамал ўзлаштиришга имкон беради.

Тингловчи ўз асаридаги композицион ечимини топиш учун ўз устида тинмай ишлаши ва изланиши керак. Мавзу асосида ҳар хил эскиз вариантлар ишланиши даркор. Ишланган ҳар бир вариантлар бир-биридан тубдан фарк қилиши диққатга сазовордир. Ёдгорлик тахтчасидаги портретнинг жойлашув услублари ва ундаги ёзувларнинг ўзаро мутаносиблигини моҳирона намоиш этмоғи лозим. Бундан ташқари деталлар жойлашуви ҳам ўз катта аҳамиятга эга.

Ёдгорлик тахтчаси композициясининг меъморий ечими.

Ёдгорлик тахтчаси учун қабул қилинган умумий қонун йўқ, у кўп ёки кам ҳолда бўртиб чиққан бўлиши мумкин. Ёдгорлик тахтчасининг бу кўрсаткичи жойлашувнинг жойига боғлиқ. Ёдгорлик тахтчасининг чуқурлиги, трактовкаси ва услуби жойлашувининг баландлиги ҳамда архитектура ансамблига боғлиқ бўлади. Декоратив нуктаи назардан ёдгорлик тахтчаси архитектура ансамблининг кўринишига салбий таъсир кўрсатиши, ўзининг ҳаракатчанлигини олдиға суриши мумкин эмас, қисқа қилиб айтганда, ёдгорлик тахтчаси фақатгина архитектуранинг таъсирчанлигини кучайтириб беришға хизмат қилади.

Тикланиш даврининг юнон ҳайкаллари бундай хатоларға йўл қўймаган, аксинча улар «бутун, бир қисмдан катта» деган тамойилға амал қилиб келганлар. Декорация сифатида бажарилган рельефларда ёруғлик ва соя орасидаги гармонини сақлаб қолиш шарт.

Ёдгорлик тахтчаси композициясининг меъморий ечимини топиш учун тингловчи аввал план чизиб олиши шарт. Ушбу планда қуёшнинг чиқиши ва ботиши, қуёш нурунинг тушиши, масштаб нисбатлари, кўринишлари, жойлар, йўлақлар инобатға олиниси даркор. Ундан сўнг чизилган плани асосида ёдгорлик тахтчаси учун объект танлаб олиниб, ўша объект макети

ясалади. Макетда ёдгорлик тахтачасининг ўрни белгилаб олинади. Макетда ёдгорлик тахтачаси архитектура билан қай тазда боғланганлиги назорат қилиб борилади.

Ёдгорлик тахтачаси эскизини тасдиқлаш. Биз юқорида ҳайкалтарошлик машғулотларини ўтказиш учун хона ташкил этиш ҳамда машғулотлар жараёнида ишлатиладиган дастгоҳлар, иш қуроллари, хомаки эскиз материаллари ҳақида тўхталган эдик.

Эндиги мақсадимиз ҳайкалтарошлик машғулотлари ташкил этиш ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Хомаки эскиз ясаш машғулотлари тингловчиларда аввалги кузатишлари асосида олган тасаввурларини умумийлаштиришга ва шу асосда аниқ бир ижодий тўхтамага келиб, маълум ижодий ғояни ўзларининг амалий ижодий ишларида акс эттира олиш малакаларини ўстиришдир. Бу машғулотлардаги асосий вазифа тингловчиларнинг ижодий ва конструктив қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир. Бундай машғулотлар тури тингловчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини, мустақил ижод қила олиш маҳоратларини ўсишига имкон беради.

Эскиз ясаш машғулотларида тингловчиларга қисқача назарий билимларни бериш жараёнида ҳам асосий эътиборни аввалги ўзлаштирилган билим ва малакалар, таъсуротлар, образларни ижодий қайта ишлаш асосида янги ижодий ишлар яратиш услубларини ўзлаштиришга қаратилиши керак. Бундай машғулотларда ўқитувчи томонидан кўплаб турли хилдаги кўргазмали қуроллардан, ҳайкал намуналаридан кенг кўламда фойдаланиш ўринлидир. Ўқитувчи томонидан кўрсатилган ҳайкал намуналари, кўргазмали қуроллар шунчаки намуна сифатида эмас, балки чуқур таҳлил қилиниб, ҳар бир асарнинг характерли шакли, композицион ечими ғояси, баъзи деталларнинг аҳамияти, вазифаси ҳамда ушбу деталларни амалий ижодий ишларда қайси тартибда фойдалана билиш кераклиги ҳақида ҳам тушунча бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Машғулотлар жараёнидаги бундай тушунчалар бериб бориш, ўз навбатида тингловчи томонидан ижодий топшириқни яхши уддалай олишига ва албатта ижодий фикрининг ўсишига туртки бўлади.

Эскиз ясаш амалий машғулотлар жараёнини тахминан қуйидаги қисмларга бўлинишига олиб келади;

1.Пластелин ёки лойни каркас ё тахтачага ёпиштириб таглик тайёрлаш.

2.Нарсанинг умумий кўринишини ифодалаш ва нисбатларини топиш.

3.Умумий кўринишини аниқлаш.

4.Муҳим деталларни ишлаш.

5.Маида деталларни ишлаб яқунлаш.

6.Ишни умумлаштириш, керакли юзаларга ишлов бериш ва пардозлаш.

Юқорида келтирилган амалий машғулотларни ўтказиш тартиби деярли барча ҳайкалтарошлик машғулотлари учун бир хилда бўлиб, ҳар бир амалий машғулотда ўқитувчи талабига кўра тингловчилар томонидан ушбу тартиб-

қоида такрорланади. Бу эса, тингловчилар учун эсдалик бўлиб, амалий ишларни бажариш жараёнида ёрдам беради. Чунки, тингловчилар маълум тартиб-қоида асосида тўғри амалий ишларни бажаришга кўникма ҳосил қиладилар, бу ўз навбатида ўқитувчи томонидан тингловчиларнинг амалий ишларини ўз вақтида яхши назорат қилиб боришини таъминлайди.

Хотира ва тасаввурдан ҳайкал ясаш машғулотларида ҳар қайси тингловчи ўзининг фикри асосида ижодий иш яратади, шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан ҳар бир тингловчига яқка тартибда ёрдам кўрсатиш яхши самара беради. Чунки, ҳар бир тингловчи ўз тасаввуридаги бири иккинчисиникига ўхшамаган турли хилдаги ижодий композицияларни яратишга киришадилар. Бундай машғулотларда ўқитувчи аввалдан тингловчиларга умумий, яхлит катта-катта шаклларни топиш кераклигини, уларнинг ўзаро пластик боғланиши ва композициядаги ҳар бир детал умумий фикрни очиқ беришига бўйсундирилиши кераклиги ҳақида тушунча бериб бориш керак. Аксарият ҳолларда тингловчилар томонидан йўл қўйиладиган хатолар ҳам майда деталларни ишлашга киришиб кетишдан ёки юзаларни силлиқлашга берилиб кетиб, асосий мақсаддан четлашиб кетишдан келиб чиқади.

Амалий машғулотлар жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш эса, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ва камчиликларни ўқитувчи ва тингловчи ўртасида дўстона таҳлил этиб, уларни бартараф этишга йўналтирилиши улардаги ижодий фикрлашни активлаштиради. Тингловчи томонидан йўл қўйилган ҳар бир камчилик асосли равишда ўқитувчи томонидан тушунтириб борилиши керак. Айрим ҳолларда ўқитувчи томонидан амалий ёрдам кўрсатилиб, камчиликни бартараф этилиши ҳам яхши натижалар беради.

Юқоридаги талаблар асосида тингловчи ўз ижодий асарига ишланган эскизни яқунлайди ва моделлаштириш ишига тайёрлайди. Ўқитувчи тугалланган эскизни кўздан кечириб, ундаги камчиликлар бартараф этилганига тўлиқ ишонч ҳосил қилганидан сўнггина, тингловчига эскизни моделлаштириш учун йўлланма беради.

Ёдгорлик тахтачасида ишни яқунлаш. Рельеф бажариш кейинги босқичлари 33-b,c,d расмда кўрсатилган. Бунда ўрта чизикда бурун пирамидаси, оғиз, даҳан қурилади, кўз косаси кўрсатилади, яноқ суяклари, пастки жағ ясалади. Шундан кейин рельеф чуқурлиги ҳажми переспектив қисқаришини ҳисобга олинган ҳолда иш давом эттирилиб ишлаб чиқишга киришилади. Тўртдан уч кўринишда рельеф ишларида бош шаклини асосий текисликка параллель қилиб фойдаланмасликка ҳаракат қилиш керак, чунки бу рельеф кўринишини бузади. Айтиб ўтилган кетма-кетлик тартибида иш олиб бориш ҳар қандай чуқурликдаги рельефни бажариш имконини яратади (энг паст барельефдан тортиб, то баланд горельефгача). Аммо шуни эсда сақлаш керакки, рельеф чуқурлиги ортиб борган сари ўрта текислик асосий фон текислигидан узоқлашиб боради.

Шу сабабли эса ўрта текислик билан асосий фон текислиги орасида жойлашган бош ҳажмини конструктив ишлаб чиқиш зарурлиги кўпроқ

бўлади. Бу шунинг учун керакки, рельефни томошабин ён томонидан ҳам кузатиши мумкин.

Ишнинг бу босқичида тингловчилар модел ва ўз ишини бир хилдаги кўриш нуқтасидан ҳар хил томонлардан айлангириб текшириб, аниқлик киритиб тўғрилаб, ўз ишларига мазмун ва ифодавийлик киритиб борадилар. Одам бош тузилишини моделига қараб ишлаш ва шу каби барча машғулотларда уни ўхшатишга эмас балки, ҳар бир машғулотдан керакли билим, усул, кўникма ва малакаларни эгаллашга ҳаракат қилинади.

Ишни яқунлаш учун модел ва ишни бир хилда ён томонидан туширилган ёруғлик нурида ёритилганда кучли ёруғ соя ўйини шакллардаги ўзгаришларни аниқлаб ва ўрнида туғрилаб олишга имкон беради. Тепадан ёки тўғридан туширилган ёруғлик эса ишни кўриш учун фойдаланилади.

Машғулот учун ажратилган муддат тугагач, ишни яқунлаб, ҳар доимгидек гуруҳ тингловчиларининг бажарган ишлари кичик кўрғазмаси ўтказилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади ҳамда рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Назорат саволлари

1. Ёдгорлик тахтакчаси ҳақида тушунча ва мавзу танлаш.
2. Ёдгорлик тахтакчаси учун объект қандай танланади?
3. Ёдгорлик тахтакчаси мавзуси устида қандай изланиш олиб борилади?
4. Ёдгорлик тахтакчаси композицион ечимини топиш ва турли кўринишларини тайёрлаш.
5. Ёдгорлик тахтакчаси композициясининг меъморий ечими.
6. Ёдгорлик тахтакчаси мавзусида қандай модел тайёрланади?
7. Умумий шаклларни ўрганиш.
8. Ёдгорлик тахтакчасида ишни яқунлаш қандай амалга оширилади?


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барышников А.П., Лямен И.В. Основы композиции, – М.: Искусство, Учебное пособие. 1995. – 198 с.
2. Томский М. Композиция в скульптуре, – М.: Госиздат, Каталог. 1995. – 236 с.
3. Маркин Ю.П. Пластические произведения. – М.: Искусство, Учебное пособие. 1996. – 234 с.
4. Karin Xessenberg. *SKULPTING Basics*. Everything you need to know to create fantastic three-dimensional art. Getting Started/2008.page-128.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс. Гипсдан ишланган одам боши топшириқлар дастури.

1. Тингловчига тасвирланаётган буюмларнинг текислик ва кенгликларига тушаётган ёруғликлар ва улардаги тусларнинг хусусиятларини бир-бирига



алоқадорлигини ҳисобга олишни тушунтириш;

2. Ёш рассомларни ҳайкалтарошлик назарияси асослари, перспектива, ҳажм, ритм назарияси ҳамда ҳайкалтарошликнинг техника ва технологияси ҳақида таништириб бориш;

3. Келажакдаги мустақил ишлар асосини яратиш учун ҳайкалтарошликларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Машғулот пайтида:

Тингловчининг асосий ва юқори амалий билимлардан қониқиш ҳосил қилишлари учун ўқув устахонаси керакли ёруғлик ва ҳайкалтарошликда қўлланиладиган зарур жиҳозлар билан таъминланиши керак.

Ишлатиладиган ашёлар;

- лой, пластилин, гипс, ёғоч, каркас учун сим.
- ҳайкал ишлаш учун дастгоҳ (станок).

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)
2. Ҳайкалт ишлашда рассомнинг руҳий ҳолатини очиб беринг. Ҳайкалтарошнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустикал ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ижодкорнинг руҳий ҳолати тушунчасини қандай изоҳлайсиз”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб,

Ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия етилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?
Бюст	одамнинг кўкракдан юқори қисмини тасвирлайдиган ҳайкал
Рельеф	ҳайкалтарошликнинг бир тури, шакл, тасвир фон (замин)дан бўрттириб ёки, аксинча, ўйиб ҳосил қилинади
Горельеф	бўртма ҳайкал ёки нақш, ҳайкал ёки нақш-гулнинг ярмидан

	кўпи бўртиб чикқан бўлади.
Силуэт	инсон, ҳайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири
Стек	ёғочдан ишланган ҳайкалтарошлик қуроли
Тонлама	хайкални бўяш
Кескич	ашёда ишлашда ишлатиладиган ўйиш ускунаси
Пунктир машинка	моделдан ашёга кўчириш ускунаси
Победит	стамеска учигаги синмайдиган, қаттиқ металл
Шоқул	моделнинг тўғрилигини кўрсатувчи асбоб
Каолин	хайкалтарошлик учун махсус ишлатиладиган лой тури
Полиэстр	пластмассанинг замонавий тури
Битум	сақичсимон ашё
Петля	лойни қирадиган асбоб
Смазка	қолипларни мойлаш учун ишлатиладиган ашё
Дастгоҳ	айланиш хусусиятига эга бўлган дастгоҳ
Бўрторма мажмуи	рангли металлга ишлов берувчи ускуна
Формовка	бўлақларга бўлиб қолип олиш

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил иш мавзулари:

1. Ҳайкалтарошликда композицион уйғунлик.
2. Ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг уйғунлиги.
3. Шаҳарсозликда замонавий ҳайкалтарошлик.
4. Ҳайкалтарошликда ландшафт.
5. Контрельеф, барельеф ва горельеф яратиш қонуниятлари.
6. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш.
7. Ҳайкалтарошлик ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси. ақл яратиш қонуниятлари. ҳажмли шакл тасвири тамойиллари ва услублари.
8. Фараз қилиш, ҳис этиш маданиятини ошириш.
9. Юқори эстетик дид талабларини шакллантириш.
10. Бадиий образни идрок қила олиш поғоналари.
11. Пластик материаллар билан ишлаш маҳорати.
12. Пластик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш.
13. Ҳайкалтарошлик фанининг замонавий назарий асослари.

VIII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Бадий образ	рассомнинг хаёлида тикланган, умумлаштирилган ифодаси, бутун давр, синф, сулола ҳақида сўзловчи санъат тасвири	a generalized expression of the artist's imagination, a portrayal of the art of the whole period, class, dynasty
Бюст	одамнинг кўкракдан юқори қисмини тасвирлайдиган ҳайкал	a sculpture depicting the upper part of the chest
Рельеф	ҳайкалтарошликнинг бир тури, шакл, тасвир фон (замин)дан бўрттириб ёки, аксинча, ўйиб ҳосил қилинади	a form of sculpture, shape, image exaggerates or vice versa
Горельеф	бўртма ҳайкал ёки нақш, ҳайкал ёки нақш-гулнинг ярмидан кўпи бўртиб чиққан бўлади.	or more than half of the embossed sculpture or pattern, statue or pattern.
Силуэт	инсон, ҳайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири	a color illustrated by a human being, an animal, a bird, a thing, and others
Стек	ёғочдан ишланган ҳайкалтарошлик қуроли	wooden sculpture weapon
Тонлама	ҳайкални бўяш	paint a sculpture
Кескич	ашёда ишлашда ишлатиладиган ўйиш ускунаси	equipment processing equipment
Пунктир машинка	моделдан ашёга кўчириш ускунаси	Dotted machine
Победит	стамеска учидаги синмайдиган, қаттиқ металл	the model from to the material
Шокул	моделнинг тўғрилигини кўрсатувчи асбоб	a device that shows the correctness of the model
Каолин	ҳайкалтарошлик учун махсус ишлатиладиган лой тури	The type of sludge specially used for sculpture
Полиэстр	пластмассанинг замонавий тури	modern type of plastic
Битум	сақичсимон ашё	chewing gum
Петля	лойни қирадиган асбоб	clay tool
Смазка	қолипларни мойлаш учун	used for lubrication

	ишлатиладиган ашё	
Дастгоҳ	айланиш хусусиятига эга бўлган дастгоҳ	a workshop with rotation
Бўртirma мажмуи	рангли металга ишлов берувчи ускуна	non-ferrous metal processing equipment
Формовка	бўлакларга бўлиб қолип олиш	fragmentation
Қуриш	моделни қоғозда тўғри тасвирлаш, шаклларнинг бир-бирига нисбатини тўғри тасвирлаш	accurately describing the pattern on paper, accurately describing the relation between the forms
Нусха олиш	бу маълум бир таниқли рус ва Европа классик рассомларининг қаламтасвир асаридан нусха олиш, ушбу асарни тасвирлаш техникасини ўрганиш.	This is a copy of the works of the famous Russian and European classical painters, studying techniques of painting this work.
Ритм	яратилган асар компонентларининг оҳангдор, текис ёки динамик қайтарилиши.	Ringtones, Flat, or Dynamic Return of Created Work Components.
Пропорция	Хажмнинг мутаносиблиги	Equilibrium volume
Фрагмент	Асарнинг маълум бир қисми	A part of the work
Ассиметрия	Буюм ва бўлакларнинг бир-бюирига номуаносиблиги	Disproportionate proportion of pieces and pieces
Деталь	Тасвирланаётган моделнинг кичик қисми	A smaller part of the model being presented
Симметрия	Буюм ва бўлакларнинг бир-бюирига мутаносиблиги	The proportion of pieces and pieces
Хажм	Тасвирнинг хажмли кўриниши	Picture aspect ratio
Гармония	Бадий асар қисмларининг мутаносиблиги	The proportion of pieces of art
Экорше	Инсон танаси кўринишини чизиш, ўрганиш учун махсус тайёрланган ҳайкал намуналари	Sculptural specimens specially designed to draw the look of the human body
Стилизация	Табиатдан олинган мураккаб шаклни соддалаштириб ифода қилиш (безак кўринишига олиб келиш) йўли	The simplest way to describe the complex nature of nature is to express it (ornaments)
Гармония	(грек. Nazgtiogna –муносиблик мувофиқлик) бадий асар қисмларнинг мутаносиблиги	(Greek. Nazgtiogna compliance -munosiblik) the proportion of the work of art

Сюжет	(франс. - предмет, нарса). Тасвирий санъатда – тасвирланган Предмет ёки воқеа тушунилади.	(Band. - Subject). Fine art - Pridmet described or understood txe event
Ритм (вазн)	(грекча <i>rxitxmicoc</i> – бир меъёрдаги, текис) – асар композиция қурилмасининг муҳим томонларидан бири. Буюм, шакл, ранг ёки нақш элементларининг бир меъёрда такрорланиши.	(Greek <i>rxitxmicos</i> a flat meъtordagi) - One of txe most important aspects of txe composition of txe work device. Object, sxape, color or pattern elements of a normal return.
Композиция	(лотинча «сотрозо» тузилиш, қурилиш) –бадий асардаги образлар ва бадий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши.	(Latin <i>sotroz</i> design, construction) works - badiiy cxaacters and artistic means, in order to serve txe specific purpose of ideological position
Реализм	тасвирий санъатда нарсалар ҳаётда қандай кўринса, шундайлигича тасвирланишига асосланган оқим	will look at txe fine txings in life, in art, it is not based on txe descriptions of txe current
Ранглар гаммаси	ранг тусларининг асосий муносабатлари. Картинада ранг ечими. Масалан: Иссиқ ёки совуқ ранг гаммаси.	color sxaades munosabatlari.Kartinada color solutions. For example: xot or cold colors.
Профиль	(франсузча сўздан <i>profil</i> - ён томондан кўриниши)- ҳар қандай жониворнинг ёки буюмнинг ён томонидан кўриниши.	(Txe Frencx word profile - yon side view) - txe appearance of any animal or by txe side of txe unit.
Пропорция	(мутаносиблик) – (лотинча сўздан <i>proportio</i> - соразмерность) – қисм ўлчови, ўлчамларнинг бир-бирига ва бутун шаклга бўлган нисбати.	(Balance) - (Latin <i>soъzdan- proportio- sorazmernost</i>) - a measure of txe portion-size ratio to one anotxer, and txe wxole sxape.
Портрет	(франсузча сўздан <i>portrait</i> - тасвир) – тасвирий санъат жанри, маълум бир шахс (одам) нинг ёки бир неча кишининг (икки, гуруҳ ва бошқалар)га бағишланган асар.	(Txe Frencx word image portrait-) - visual arts genre, a person (man) or more (two, groups, etc.) work.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. 1.1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Arts – Paperback. Germany, 2004.
2. Liz Hill, Catherine O’Sullivan and Terry O’Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain.
3. Arthur Bernstein, Naoki Sekine, Dick Weissman. “The Global Music Industry”. RoutledgeTaylor & Francis Group, New York, 2007
4. Адуллаева Н.Д., Санъат тарихи. Ўқув кўлланма. Тошкент 2014
5. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014
6. 2.Edouard Lanteri. *MODELLING AND SCULPING ANIMALS. ART/SCULPTURE*. Copyrighted Material/2006.page-229.
7. 3. Karin Xessenberg. *SKULPTING Basics*. Everything you need to know to create fantastic three-dimensional art. Getting Started/2008.page-128.
8. 4. Antonio Canova: la cultura figurativa e letteraria dei grandi centri italiani: Mazzocca, Fernando Venturi, Gianni. Bassano del Grappa. Milano/Instituto di ricerca per gli studi canoviani e il neoclassicismo. / 2006/page-184.
9. 5. Маркин Ю.П. Пластические произведения. – М.: Искусство, Учебное пособие. 1996. – 234 с.

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.gov.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.dsmimarkaz.uz
7. www.natlib.uz